Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 3-avgust, chorshanba ✱ № 31 (990) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

27 июль куни матбуотда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари тўғрисида"ги ҳисоботи эълон қилинди.

Жанубий Кореяда инглиз тилида нашр қилинадиган "The Korea Herald" кундалик газетасида "Ўзбекистон Буюк Ипак йўлида порламоқда" сарлавҳаси остида мақола чоп этилди.

29 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида "Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" лойиҳаси бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди.

1 август куни мамлакатимиз олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди.

"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Битирувчилар бандлиги таъминланмоқда

Президентимиз раҳнамолигида ёшларни касбга йўналтириш бўйича самарали тизим яратилиб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби ишлаб чиқилган. Бу ёшларга касб-ҳунар коллежида ўқиш давомида иш топиш имконини бермоқда.

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуд бўйича тегишли манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежларининг 468,9 минг битирувчиси билан тўрт томонлама – "коллеж – корхона – битирувчи – ҳоким" шартномалар тузилиб, кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт ўташи учун улар 222 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига талаб юқори. Пойтахтимиздаги «Alamhan Textile» масъулияти чекланган жамияти директори Аҳадхон Узоқовнинг сўзларига кўра, коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти иш берувчига нафақат бўлажак ходим салоҳиятини баҳолаш, балки унга ишга қабул қилингунга қадар иш кўникмасини ўргатиш имконини беради.

«Alamhan Textile» жамияти 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, турли болалар кийимлари тайёрлашга ихтисослашган. Болалар кийимларини тайёрлаш жараёни катталарникидан тубдан фарқ қилади. Болалар учун мўлжалланган кийим-кечаклар нафақат чиройли ва бежирим, балки қулай ва хавфсиз бўлиши учун мато ва бичим хусусиятларини яхши биладиган юқори малакали мутахассислар зарур. Бугунги кунда корхонанинг замонавий тикиш цехларида 21 ходим меҳнат қилмоқда. Улар орасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтагандан сўнг шу ерда ишлаш учун қолган коллеж битирувчилари ҳам бор.

...Нилуфар Мавлонова ҳар куни ишга барвақт келади. Иш куни бошлангунига қадар, цех устаси сифатида кеча тикилган кийимлар бичимининг сифатини, ҳар бир чоки стандартларга мос келишини текширади.

– Дастлабки кўйлакни ўн бир йил аввал тикканман, – дейди Н.Мавлонова. – Кўйлак чоклари нотекис ва кўнгилдагидек чиқмаган эди. Ўшанда либослар бичими устида пухта ишлаш кераклигини англаб етдим. Мактабни битиргач, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунар касб-ҳунар коллежида либослар модельер-конструктори йўналиши бўйича ўқидим. Ишлаб чиқариш амалиётини «Alamhan Textile» масъулияти чекланган жамиятида ўтадим ва мени бир неча тажрибали мутахассисга бириктиришди. Уларнинг ҳар бири менга ўз йўналиши бўйича маслаҳат берди. Амалиёт пайтида либос бичимини тайёрлаш ва моделлаштириш, тайёр андазалар асосида тикиш ва янги моделлар учун андазалар тайёрлашни ўргандим. Амалиёт ниҳоясига етгандан сўнг корхонада тикувчи бўлиб ишга қолишни таклиф этишди. Олти ой ўтгач тикувчилик цехи бошлиғи бўлдим.

«Alamhan Textile» масъулияти чекланган жамиятида ҳар йили Тошкент қурилиш ва миллий ҳунар касб-ҳунар коллежининг 10 нафар ўқувчиси ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди.

– Коллежимиз 2000 йилда ташкил этилган, – дейди коллеж директори Шуҳрат Иноятов. – Коллеж биноси лойиҳаси таълим жараёнининг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда тайёрланди ва барпо этилди. Барча ўқув хоналари, лаборатория ва устахоналар замонавий техника, компьютер, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Коллежда ўқувчилар ишлаб чиқилган ўқув дастурларига мувофиқ заргар, ёғоч ўймакорлиги, либослар модельер-конструктори, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, газ таъминоти ва иситиш тизимларини таъмирлаш ва монтаж қилиш устаси, дурадгор, қурувчилик, бухгалтерия каби 10 йўналиш бўйича ўқитилмоқда.

Коллежнинг 15 ишлаб чиқариш устахонасида иш жараёнида қўлланиладиган барча асбоб-ускуналар – ёғочга ишлов берадиган турли дастгоҳлар, бетон ва қоришма қоригичлар, қуруқ қурилиш аралашмалари учун электр мосламаси, тўлиқ жиҳозланган тикувчилик цехи ва икки турдаги қурилиш крани мавжуд.

– Ишлаб чиқариш устахонаси бўлажак мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади, – дейди коллежнинг катта ишлаб чиқариш устаси Исмоил Жўраев. – Биз ўқувчиларнинг нафақат назарий билимини амалиётда мустаҳкамлаш, балки уларда меҳнат ва ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш, интизом, масъулият ҳиссини оширишга ёрдам беришимиз зарур. 28 ишлаб чиқариш устаси ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Бундан ташқари, усталар амалиёт пайтида ўқувчиларга ўз ёрдами ва маслаҳатини беради, улар амалиётни ўтаётган корхоналарга бориб, яратилган шароитлар билан танишади.

Жорий йилда коллежни 339 ўқувчи битирди ва уларнинг 250 нафари иш билан таъминланди. Битирувчиларнинг 202 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Бу улар эгаллаган касбга талаб юқорилиги ва истиқболли эканидан далолат беради.

Мамлакатимизда коллеж ўқувчиларининг талаб юқори бўлган касбларни эгаллаши учун салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса уларга ўз салоҳиятини намоён этиш, танлаган касби бўйича ишга жойлашиш имконини бермоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
Оқил ҒУЛОМОВ (сурат), ЎзА

Мақсад битта: ҲЕЧ БИР ЁШ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 6 миллиондан зиёд касаба уюшма аъзоларининг 50 фоиздан ортиғини корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар, шунингдек, талаба ва ўқувчилар ташкил этади. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ўқувчи ва талабаларнинг, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган йигит-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Бугун жамоа шартномалари орқали ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш, уларни корхонада етарли тажриба ва обрўга эга малакали ходимларга бириктириш, ёшларнинг касбий малакасини ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон таълим фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Лазокат Турикова. – Ушбу имтиёз ва кафолатлардан ёшларнинг тўлақонли фойдаланиши бўйича мунтазам равишда мониторинг олиб борилмоқда. Фарзандларимизнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида ҳам кенг қўламли ишлар қилиняпти. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари уч йил ичида биринчи бор ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 247-моддасига асосан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида меҳнат органларига хабар берилади.

2

Ҳурматли муштарийлар,

2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ЧОДАКДАГИ МЎЪЖИЗА

ЮРГАН ДАРЁ

Бундан бир ой аввал икки буюк давлат – Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари иштирокида Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиши бўлиб ўтганди.



Юртбошимиз таъкидлаганларидек, асримизнинг улкан ва ноёб лойиҳаси сифатида эътироф этилаётган, узунлиги 123,1 километрлик Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда 19,2 километрлик Қамчиқ туннелининг очилиши, буюк марраларга етиб келиш, мана шундай унутилмас кунлар Ўзбекистоннинг тараққиёт солномасига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган тарихий кундир. Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий транспорт-коммуникация тизими, иқтисодиётнинг қон томири тўла шакллангани, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга хурсандчилик ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Қамчиқ довонидаги туннел қурилиши мураккаблиги бўйича дунёда 8-, узунлиги жиҳатидан 13-ўринда турар экан. МДҲ мамлакатлари орасида эса ягона ҳисобланади. Маҳобатли туннел қурилишига жами 455 миллион доллар маблағ йўналтирилган. Эшитиб, фахрланасиз, ҳайратланасиз. Чунки дунёда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари сезилаётган бир пайтда бундай улкан лойиҳани амалга оширишга унча-мунча давлатнинг журъати етмайди.

2

Мақсад битта: ҲЕЧ БИР ЁШ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда касаба уюшмалари ёшларга тааллуқли ушбу ҳуқуқларнинг амалда тўлақонли таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Яна бир муҳим жиҳат – бугунги кунда жамоа шартномаларининг қарийб 83,4 фоизига меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина Касаба уюшма қўмитасининг розилигини олгач амалга оширилиши талаби киритилишига эришилди.

Касаба уюшмалари Федерациясида ҳамда тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари қошида Ёшлар кенгаши ташкил этилган бўлиб, у ёшларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, маънавиятини юксалтириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшлар салоҳияти рўёбга чиқишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ўзаро бирлашишига ёрдам бериш йўналишларида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ёш мутахассислар республика форуми ўтказиб келинмоқда. Форум доирасида 20 га яқин номинациялар бўйича «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказиш анъанага айланди.

2015 йилда мазкур танловнинг республика-тармоқ босқичига 210 нафардан ортиқ ёш мутахассис йўлланма олиб, улар орасидан 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган 48 нафари Ёш мутахассислар III республика форумида иштирок этди. Форум доирасида уларнинг янги инновацион ғоя ва ишланмалари ҳамда илмий кашфиётлари муносиб рағбатлантирилиб, амалиётга татбиқ этилишига қўмаклашилди.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, малака ошириш, раҳбарлик маҳорати, нутқ маданияти каби йўналишлардаги машғулотлар ташкил этилиб, билим ва кўникмалари оширилди. Энг фаол ва ташаббускор ёш мутахассисларни тантанали тақдирлаш маросимида республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшувчи лойиҳа ва ишланмаларга эга бўлганлардан 3 нафарига Касаба уюшмалари Федерацияси грантлари топширилди. Хусусан, танлов ғолибларидан бир нафари беш миллион сўмлик грантга, икки нафари ҳорижда бир ҳафталик малака ошириш йўлланмасига сазовор бўлди.

Касаба уюшмалари Федерацияси грантлари ёш мутахассислар лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва инновацион ғояларини янада ривожлантиришга хизмат қилаяпти. Хусусан, мазкур форуми доирасида Касаба уюшмалари Федерадиясининг махсус Грантини қўлга киритган Тошкент ахборот технологиялари университети ассистенти Саида Бекназарова «Медиатаълим тизимининг моделлари, алгоритмлари ва дастурий комплексини яратиш» лойиҳасини амалга оширишга эришди. Яна бир грант соҳиби, «Энг фаол ёш олим» номинациясида ғолиб бўлган Фанлар академиясининг Физика-техника институти катта илмий ходими Ойбек Абдулхаев кремний кристалларини термоградиентли тоблаш имконини берувчи қурилмани яратди.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан турли касб-ҳунарларни эгаллаб, ишчи касбларида меҳнат қилаётган ёшларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб илк маротаба «Энг яхши ишчи касб эгаси» танлови ўтказилиши йўлга қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди. Мазкур лойиҳани бажариш учун жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат ижтимоий буюртмаси ажратилди.

Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида илк маротаба «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови ўтказилди.

Танловнинг ҳар бир босқичида иштирокчилар 7 та, яъни: «Пайвандлаш ишлари (механик) техниги», «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Умумқурилиш ишлари устаси», «Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи» «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси» номинациялари бўйича маҳоратларини намойиш этди.

Танлов иштирокчиларининг билим ва маҳорати 2 турда – назарий (соҳага доир тест саволлари) ҳамда амалий (касбий-амалий топшириқларни бажариш) синов шаклида ўтказилиб, ҳар бир номинация бўйича ғолиблар навбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Танловнинг биринчи босқичи жорий йилнинг 13—18 июнь кунлари туман(шаҳар)лар миқёсида ўтказилиб, уларда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 2,5 минг нафарга яқин 25 ёшгача бўлган ишчи мутахассислар ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида жорий йилнинг 30 июнь — 7 июль кунлари ташкил этилган иккинчи босқичида жами 461 нафар ёш ишчи касб эгалари қатнашдилар. Унинг якуний республика босқичи 18—21 июль кунлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ўтказилиб, унда ҳудудий босқич якунларига кўра, ғолиб бўлган 84 нафар ёшлар беллашдилар. Иштирокчилар, аввало, меҳнат муҳофазаси қоидалари билан батафсил таништирилиб, сўнгра соҳага оид тест саволларига жавоб бердилар ва амалиётда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Уларнинг билим савияси ва касбий тайёргарлиги малакали мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъати томонидан холис баҳоланди. Улар хулосасига кўра 1-, 2-, 3-ўринни қўлга киритган иштирокчилар махсус диплом ҳамда барча қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ғолиблари жорий йилнинг 24 августида бўлиб ўтадиган «Ёш мутахассислар» IV Республика форумида иштирок этадилар.

Ушбу танловни келгуси йилда янада оммалаштириш, иштирокчилар сафини кенгайтириш, номинациялар сонини ошириш ҳамда халқаро стандартлар асосида ўтказиш белгилаб олинди. Бундан кўзланган мақсад ушбу танловга ёшларни янада кенгроқ жалб этиб, ўз касбининг моҳир эгаси бўлишига амалий кўмак бериш ҳамда ёшларнинг касбий камолотига ҳисса қўшаётган устозларини ҳам муносиб рағбатлантиришдир.

Б.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.

ЖАМИЯТНИ ҲАЛОКАТДАН

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

2016 йил алоҳида аҳамиятга молик йил сифатида Ўзбекистон тарихида муҳрланиб қолади. Чунки бу йил халқимизнинг узоқ йиллар давомида орзу қилиб келган давлат мустақиллигининг қўлга киритилганига йигирма беш йил тўлади. Кўп минг йиллик жаҳон тарихи, 3 минг йиллик миллий давлатчилигимиз тарихида чорак аср уммондан томчи, арзимас муддатдек.

Аммо у ёки бу воқеа-ҳодисалар йиллар, асрларнинг салмоғи ўтган вақт билан эмас, аксинча, шу давр мобайнида эришилган ютуқлару муваффақиятлар, айниқса, шу жамият фуқароларининг ҳаётдан розилиги даражаси билан ўлчанади.

Шу йилнинг 2 июнь куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Қарор аслини олганда мамлакатимиз ва халқимизнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, олдимиздаги олий мақсад – дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторига қўшилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг таҳлили ҳисобланади. Унда давлат органлари, маънавий-тарғибот муассасалари олдига жуда катта вазифалар қўйилган. Жумладан, мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган миллий-маданий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берганини ишонарли тарзда ёритиш лозимлиги қайд этилган.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, миллий-маданий меросимизни тиклашда мисли кўрилмаган ютуқларга эришдик. Маънавият-маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакат Президентининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деб номланган асарида "жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифат" эканлиги биз "халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз" деб қайд этилиши юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Айни пайтда у ёки бу масаланинг мазмун-моҳияти таққослаш, солиштириш натижасидагина кўз олдимизда гавдаланиши мумкин. Шу ўринда Юртбошимизнинг асарларига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ, деб билдик. Хусусан шўролар ҳукмронлиги даврида, 1989 йилнинг 28 ноябрида мамлакатимиз раҳбари маданиятимиз, маънавиятимиз мустабид тузум даврида оғир қийинчиликларни бошидан кечирганини, халқимизни ўз миллий маданий меросидан ажратиб ташлаш сиёсати авжга чиққанини қайд этиб, шундай дейди: "Яширишга ҳожат йўқ, биз шубҳали шиорларга берилиб, маънавий маданиятимизни озиқлантириб турган илдизларни қирқиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз. Маданият манбаларига қайтиш ғоят қийин кечмоқда, одамларнинг бу жараёнга муносабати ўткир бўлмоқда".

Шўро мафкураси аслида миллий маданиятларни камситиш, уларни йўқ қилиш, булар натижасида мустамлака халқларнинг ўзлигини англаш жараёнини тўхтатишдан иборат эди. Фикрларимизни исботлаш учун айрим мисоллар келтирамиз: Хивага юришда қонхўр жаллод Кауфманга ҳамроҳлик қилган шарқшунос А.Кун 300 дан ортиқ Шарқ қўлёзмалари (шулардан 120 таси 140 жилдли тарихий асарлар, 20 муаллифнинг 30 жилдли асарлари, ҳуқуқшунос ва илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилдли 40 асар, 18 нусха Қуръон ва 50 дарслик)ни император кутубхонасига топширган. 1895 йилда Н.Веселовский раҳбарлигидаги экспедиция Амир Темур мақбарасидан ўйма эшикни кўчириб Петербургга юборган. Ўзбекистонлик тарихшунос Б.Луниннинг ҳисоб-китобларига кўра, Россия хазиналарига 1865 йилдан 1917 йилгача 3000 та Шарқ қўлёзмаси ташиб кетилган. 1915-1916 йилларда шарқшунос Б.Иванов Бухоро мадрасалари вақф кутубхоналаридан 1125 та ноёб қўлёзмани олиб, Россия ва Европанинг кўплаб музей, кутубхоналарига сотиб юборади.

Қадимги миллий-маданий бойликларни ташиб кетиш сиёсати Шўро тузуми даврида янада авж олди. Ҳаваскор-археолог Ж.Кастанъе ўзи тўплаган нодир ёдгорликларнинг катта қисмини Эрмитажга, энг яхшиларини эса Парижга олиб кетган. Ж.Кастанъенинг етказган зарари 500 та нодир қўлёзма, буюмлардан иборат эди. 1920 йил сентябрь ойида Бухоро ҳукумати хазинасида жойлашган олтин, кумуш буюмлар, ёдгорликлар, пуллар 13 та вагонда Петербургга жўнатилади. Петербургдаги СССР халқлар этнографияси музейи ходими С.Рудин 8 йил давомида 4000 дан ортиқ асори-атиқаларни ташиб кетди.

Албатта, юқорида келтирилган мисоллар Ўзбекистондан қарийб 130 йил мобайнида Россия, Туркия, Европанинг қатор мамлакатлари музей, кутубхоналарига ташиб кетилган, сотиб юборилган моддий-маданий бойликларимизнинг бир қисми, холос. Биз бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги тўғрисида фикр юрита бориб миллий-маданий бойликларимиз шафқатсизларча, беармон талон-торож қилинганини ҳам эслашимиз лозим. Хўш, Ўзбекистонда мустамлака ва мустабид тузумлар шароитида олиб борилган ноинсоний сиёсат қандай оқибатларга олиб келди?

Биринчидан, бой миллий-маданий меросимиз ўтмиш сарқити, миллатчиликнинг кўриниши сифатида баҳоланди. *Иккинчидан,* маданият ва санъат, умуман, маънавий-маърифий соҳа кучли сиёсий-мафкуравий зуғум остига олинди. Миллий зиёлиларнинг асарлари таъқиб остига олинди, ўзлари қатағон қилинди. *Учинчидан,* халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти оёқ-ости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди.

Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий соҳадаги мустақиллик арафасидаги аҳволининг айрим жиҳатлари шулардан иборат эди. Бошқача сўз билан айтганда, совет мустабид тузумидан бизга жуда ёмон "мерос" қолган эди. Энди зудлик билан халқимизни ўз маданий-миллий ўзанларига қайтариш, маънавий қадрсизланишнинг олдини олиш лозим эди. Юртбошимиз совет даври "маънавий мероси"ни "маънавий айниш" деб атади.

Топталган миллий-маданий меросни тиклаш, фуқаролар маънавий оламини шакллантириш, жамият аъзоларидаги маънавий айнишнинг олдини олиш ўта қийин ва мураккаб вазифа эди. Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари эса ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Маънавият-маърифатнинг давлат сиёсати устувор йўналишларидан бирига айланиши натижасида халқимиз ўзининг энг муқаддас туйғулари бўлган имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларини қайта тиклади. Жамиятда маънавий ва ахлоқий покланиш юз бера бошлади. Ўз навбатида маънавий ва ахлоқий покланиш халқимизда ғурур туйғусини ошириб юборди.

Мамлакат маънавий ҳаётидаги ислоҳотлар, фуқароларда маънавий-руҳий кайфиятни ошириб бориш чуқур ўйланган, пухта-пишиқ ишлаб чиқилган концепция асосида амалга оширилди.

Совет мустабид тузуми даврида шаклланган маънавий инқироздан чиқиш, Ўзбекистон жамиятини янада ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамиятга эга эди. Бу нарса Юртбошимизнинг 1992 йилда нашр этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида илк маротаба ўзининг ифодасини топди. Асарда мустақилликнинг дастлабки даврида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий соҳаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқ 4 негизи мавжудлиги, улар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;
- инсон ўз имкониятларини эркин номоён қилиши;
- ватанпарварликдан иборат эканлиги кўрсатиб берилди.

Шу ўринда мустақилликнинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий соҳада бажарилиши лозим бўлган ишларнинг марказида фуқароларга ватанпарварлик руҳини тарбиялаш масаласи турганини алоҳида қайд этиш лозим. Гап шундаки, мустабид тузум одамларда ватан тушунчасини йўқ қилишга, битта ватан мавжудлигини, у ҳам бўлса мавҳум СССР деб аталмиш мамлакатдан иборатлигини тарғиб этарди. Ватанни севиш, уни эъзозлаш, унинг мавжудлигини ҳар қадамда ҳис этиш миллатпарвар ва ватанпарвар мутафаккирларимизнинг азалий-асрий орзуси бўлиб келганлигини яхши биламиз. Шу ўринда 17 ёшли Чўлпоннинг қуйидаги фикрларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ: "Ватан тупроғи шундоқ онадурки, буни кўр қилдук, ўзимизнинг ҳам кўр бўлмоғимиз кўз олдидадур... Сўнгги пушаймон бўлмоқдан фойда йўқлиғи ҳаммамизга маълумдир. Ҳеч бўлмаса Абдулла афандидек намуна кўрсатгучи фидокор савдогорларимиздан ибрат олуб, ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтагига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтагимизда олуб юрмоғимиз керакдур".

Маънавият ва маърифат Чўлпон айтганидек, она каби муқаддас ватан тупроғига бўлган меҳр-муҳаббатни оширишга, одамларда ўз юртидан фахр ва ифтихор қилиш кўникмасини шакллантириши лозим эди.

Масаланинг ўта нозик эканлигини эътиборга олган ҳолда 1994 йил 23 апрелда Президент фармони билан "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилди. Шу йилнинг 8 июнида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармоннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган махсус қарор қабул қилди. Қарорда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг асосий вазифаси ва йўналиши қилиб ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат,

ЧОДАКДАГИ МЎЪЖИЗА

Бошланиши 1-бетда

Бу ҳақда гап кетганда, албатта, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Хамса"сидаги "Фарҳод ва Ширин" достони, ундаги Фарҳоднинг тоғдан ариқ ўтказиш воқеаси эсга тушади. Зеро, бундай бунёдкорликка ҳисса қўшган ҳар бир ишчи – бугунги авлодларни Фарҳодга қиёс этгулик. Яна "Тоғ кесиб йўллар солур чиндан бу кун Фарҳод Ватан", дея шоирона лутф айтгинг келади.

Аҳамиятлиси, мазкур темир йўл тармоғи жорий йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат қилади. Темир йўл ва туннелнинг ишга туширилиши барча ҳамюртларимиз қатори тадбиркорлар ва ишбилармонларни ҳам ғоят қувонтирди. Йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилга етказишда ҳам вақт, ҳам маблағ тежалади. Ахир йилига 30 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш ва транзит ҳисобига 140 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ тежамкорлигига эришилади. Шунингдек, қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлангач, яна 1,5 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Эндиликда "олтин водий"нинг уч азамат вилояти корхоналарида тайёрланаётган турли-туман материаллар, саховатли бу заминда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини республикамизнинг бошқа вилоятларига етказиш осонлашади. Ўзимиздан ортган маҳсулотларни Европаю Осиё давлатларига экспорт қилиш ҳажми кўпаяди. Туризм ривожланади, сайёҳлик салоҳияти юксалади, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ошади, жаҳоннинг Шарқий бозорига янги транзит транспорт коридори очилади, натижада аҳоли турмуш фаровонлиги янада яхшиланади.

...Дастлабки поезд Қамчиқ туннелини – Сардаладан то Чодак қишлоғигача бўлган масофани 16 дақиқада босиб ўтди. Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган, мураккаблиги ҳамда ўзига хос бошқа жиҳатлари билан жаҳондаги саноқли меъморчилик ва транспорт-транзит дурдоналаридан бири бўлган мазкур темир йўл барпо қилиниши Ўзбекистоннинг буюк давлат эканини, унинг иқтисодий қудрати, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор дунёга намоён этди.

Маълумот ўрнида, айни кунда Ватанимиз темир йўлларининг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етказилиб, у бамисоли танадаги қон томирлари каби Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини тўла-тўкис қамраб олган...

Энг муҳими, энди бу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши кўп йиллар давомида, айниқса, қишда тоғли йўллардан ўтишда қийналиб келган оддий одамлар учун катта аҳамият касб этади...

Бу ерда "Лордген" масъулияти чекланган жамияти раиси Илҳомжон Нортожиев томонидан қурилаётган "Давр" дам олиш маскани ҳудудида умумий қиймати 3 миллиард сўмга тенг бўлган 44 ўринли меҳмонхона юртдошларимиз ҳамда чет эллик сайёҳлар учун ажойиб туҳфа бўлади.

Шунингдек, янги барпо этилаётган Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги "KVARTS" акциядорлик жамияти ишчилари учун мўлжалланган шу номдаги дам олиш маскани эндигина фойдаланишга топширилган экан. Ишчилар ва маҳаллий аҳоли юз-кўзида ҳаётдан мамнунлик, эътибордан миннатдорлик ифодаси акс этган, байрам шукуҳи баланд.

Айниқса, "Ўзбекистон темир йўллари" АКнинг Чодакдаги 67-қурилиш отряди ҳудудидан ўтган кўприкнинг ўзи мўъжизанинг асли. 9 та устуннинг энг баланди 60 метр бўлган, узунлиги 200 метрни ташкил қилувчи мазкур кўприкнинг олдига борганимизда худди осмонга қўйилган устундек кўринди. Халқона айтганда, тепага қарасанг, бошингдан дўппинг тушиб кетгудек.

Ижодий саёҳатдан қайтар эканман, бу каби улуғвор ишларни, юртимиздаги ўзгаришларни, бунёдкорликларни кўриб, шоҳиди бўларканман, қалбимдан бир нидо келади: "Биз ким эдигу ким бўлдик?!" Ахир йигирма беш йил аввал кимдир мана шу улкан қоялар ва жарликлар устидан поезд қатнайди, деса, ҳеч ким ишонмаган бўларди.

Табиийки, бундай улкан қурилишни кўрган инсон шу юрт ривожига ўз ҳиссасини қўшишга интилаверади. Бу бизнинг хулосамиз, сафаримиз иқрориятидир. Шубҳасиз, бунинг замирида Мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати мужассамдир. Мана шундай қиёси йўқ юртда, дунёнинг энг бахтли мамлакатидан бирида туғилиб, ўсганимга, унинг фуқароси эканлигимга шукрона келтираман.

Гавжум патир бозоридан ўтаётиб, дилимга тукканимни, яъни истиқлолимизнинг чорак асрлик байрами бош ғоясини – "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" дея баралла айтдим, чин дилдан такрор айтдим.

Орифжон ЖЎРАЕВ

ҚУТҚАРУВЧИ КУЧ

миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш, жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини ошириш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақада яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт томирлари муштараклигини тарғиб қилиш кабилар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 4 сентябрда "Маънавият ва маърифат" маркази ходимлари учрашуви, маънавий ва маърифий ҳаётда катта воқеа бўлди. Айни чоғда 9 сентябрда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон қабул қилинганлиги ҳам халқнинг маънавиятини янада юксалтиришга, ноёб намуналарни тўплашга, авайлаб-асрашга, кишиларни ўз ватанига чинакам садоқат руҳида тарбиялашга қаратилгандир. 1996 йил сентябрь ойи охирида "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази қошидаги "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқдики, уни барча зиёлилар, ижод аҳли зўр мамнуният билан кутиб олди.

Бугун мустақилликнинг муаззам 25 йиллиги арафасида туриб, барчамиз Ўзбекистонда ҳамма соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар шаклланган миллий ғоя ва мафкура ҳамда унинг кенг фуқаролар иштирокидаги онгига сингдирилиши туфайли содир бўлаётганини ҳам эслашимиз лозим. Шу ўринда мустақилликка эришиш остонасидаги воқеа-ҳодисаларни эслайлик: мустабид тузум ўз умрини ўтаб бўлаётган, 70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган коммунистик мафкуранинг бутун дунёда, шунингдек, оддий фуқаролар кўз олдида ҳеч нарсага арзимас "матоҳ"га айланиши, партия билетларининг ёқиб юборилиши... Буларнинг бари кечаги тарих.

Одамлар эса қайси ғоя ва мафкурага эътиқод қилишини билмай саросимада эди.

Бу нарсани мамлакат раҳбари Ислом Каримов аллақачон англаб етган эди. Шунинг учун ҳам 1989 йилдан то мустақилликка эришгунча, истиқлолнинг дастлабки йиллари миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, фуқароларимизни унинг асосий мазмун-моҳияти билан қуроллантириш йиллари бўлди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакат раҳбари олимлар, ижодкорлар, санъат ва маданият ходимлари билан қатор учрашувлар ўтказди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини билди. КПССнинг ноинсоний, номиллий сиёсатидан безиб қолган айримлар ҳаттоки "бизга ҳеч қандай мафкуранинг кераги йўқ", дейишгача бордилар. Аммо Юртбошимиз мафкура ва ғоясиз инсон ўз йўлидан адашиши, жаҳон тараққиётидан четда қолиши, ўзининг миллий заминидан узилиб қолиши мумкинлигини қайд этди. Шу ўринда мамлакат раҳбарининг 1993 йил 6 май куни айтган қуйидаги сўзларини келтиришни лозим, деб биламан: "Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак".

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда миллий ғоя ва мафкура асосларини яратиш ўз эволюциясига эга. Бунда айниқса мамлакат раҳбарининг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири (1998 йил), "Туркистон" газетаси мухбири (1999 йил), "Fidokor" газетаси мухбири (2000 йил) саволларига берган жавоблари алоҳида аҳамиятлидир. Шунингдек, миллий ғоя ва мафкура асосларини яратишда, уларни шахс ва жамият маънавияти билан уйғунлигини таъминлашда Юртбошимизнинг "Юксак маънавиятенгилмас куч" асари алоҳида ўринга эга. Асарда миллий ғояга шундай таъриф берилади: "Миллий ғоя деганда, аждодларимиздан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз". Миллий мафкура эса шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим.

Миллий ғоя ва мафкура аслида шу жамиятда яшаётган барча миллат ва элатларни ягона мақсад – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида бирлаштириши, уюштириши, жипслаштириши, йўналтириши лозим. Бу борада бизни ягона мақсад сари илҳомлантирадиган кўплаб шиорлар борки, уларни эътиборга олмаслик мумкин эмас. Жумладан, "Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин", "Миллий мафкура – миллатни бирлаштирувчи байроқдир", "Энг даҳшатлиси – фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги", "Мақсадсиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади", "Юксак маънавият—енгилмас куч", "Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир", "Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги тараққиёт гаровидир", "Кучли давлатдан – кучли жамият сари", "Жаҳолат—маърифатнинг кушандаси", "Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик", "Юртимизнинг хавфсизлиги – сиёсатимизнинг бош йўналиши" каби шиорлар аслида ҳар биримизни юксак мақсадлар сари етаклайдиган машъаладир.

Маънавият-маърифат ва миллий ғоя тарғиботи ажралмас, узвий боғлиқликдаги ягона вазифа ҳисобланади. Агар совет мустабид тузуми шароитида маданият, санъат коммунистик мафкуранинг "қули"га айлантирилган бўлса, бугунги кунга келиб маънавият-маърифат миллий ғоя ва мафкурасиз жамиятга ҳеч қандай наф бермаслиги тўғрисидаги ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Бу нарса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги (2006 йил 25 август) қарорида яна бир бор, янги мазмунда ўз ифодасини топди.

Қарорга биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш марказнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллат қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатоларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш ҳам марказ зиммасига юклатилди.

Таъбир жоиз бўлса, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик арафасида эришилган ютуқларнинг замирида танланган миллий ғоя ва мафкуранинг тўғрилиги, адолатлилигидир. Ушбу феномен ҳодисалар энг аввало халқнинг манфаатларини ифода этмоқда, кишиларда бугунги кундан розилик, эртанги кунга ишонч кайфиятини шакллантирмоқда. Энг муҳими, миллий ғоя ва мафкуранинг мазмунмоҳиятини маънавият ва маърифат ташкил этмоқда. Аслида демократик давлат ва фуқаролик жамияти маърифатли давлатдагина барпо этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бежиз маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилинмаган.

Ушбу қоиданинг қатор эътиборли жиҳатлари бор. Аввало шуни ёдда тутиш лозимки, маънавият ва маърифат – мамлакатда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга куч-қўмак беради. Кишиларда иллатларнинг йўқолиши ва инсоний фазилатларнинг шаклланишини таъминлайди. Одамларда теварак-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш кўникмасини юзага келтиради. Маънавият – касал қалбни даволайди, кўнгилни тозалайди. Пировард натижада ҳар биримизда Ватанни ва миллатни севишга ёрдам берадиган ғурурни тарбиялайди.

Яна шу нарсага эътибор бериш лозимки, маънавият билан барчамиз шуғулланишимиз лозим. Ушбу вазифа фақат мутасадди ташкилотлар ва масъул шахсларнинггина бурчи, дейдиганлар хато қилишади. Маънавият билан шуғулланиш ўта оғир ва масъулиятли вазифа. Чунки бу нарса ҳар биримиздан ўзимизни қийнашни, ёмон сифатларимизни ижобий, яхши сифатларга айлантиришни талаб этади. Бошқача сўз билан айтганда, маънавият охир-оқибатда ёмон одамни яхши одамга, яхши одамни эса гўзал сифатли шахс-га айлантирувчи буюк куч ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам, маънавият-маърифат бебаҳо куч. Юртбошимиз бежиз юксак маънавиятни енгилмас куч эканини бот-бот такрорламайди. Айни пайтда энг буюк жасорат ҳам маънавий жасоратдир. Бу ҳақида гапириб мамлакат раҳбари шундай дейди: "Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат бу – маънавий жасорат деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз".

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида маънавият-маърифат ҳеч шубҳасиз, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мамлакатимиз ўтган чорак аср давомида маънавий қашшоқликдан чиқди, мамлакатда ва жамиятда соғлом ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит шаклланди, одамлар бугунги кундан шукроналик ва розилик, эртанги кунга ишонч кайфияти пайдо бўлди. Буларнинг бари мамлакат раҳбари томонидан маънавият-маърифат соҳасида олиб борилган туб ислоҳотлар натижасидир.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ–ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти сифатида халқимизнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига чуқур англатишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Бугунги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришиш, том маънода ҳуқуқий онгни юксалтириш давр талабига айланди. Фуқароларда юксак ҳуқуқий тафаккур шаклланмас экан, турли хил номутаносибликлар келиб чиқаверади. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва шу орқали қонун устуворлигига эришиш нафақат жамиятнинг, балки ўсиб келаётган ёшлар учун ҳам қимматлидир. Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарур шарти қонунларга сўзсиз итоат этишдир.

Мамлакатимизда ёш авод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунингдек, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Ҳуқуқий демократик давлат қуришда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларни мукаммал эгаллаганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мукаммал таълим-тарбия олган авлод ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар кўчасига кирмайди. Шунингдек, турли ёт ғоялар таъсирига тушмайди.

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан яна бири — қонун устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш мазкур ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этади. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, мамлакатимиз аҳолиси ва ёшлари онгида қонунларга ҳурмат руҳини сингдириш масалалари жуда муҳим. Инсон ўзини ҳуқуқий жиҳатдан етук, билимли деб ҳисоблаши учун биринчи навбатда унда жамиятда ўрнатилган ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурмат руҳи шаклланган бўлиши лозим. Ўтган йиллар мобайнида ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний замири яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланди.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи омилдир.

Инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда давлатлар ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши, уларда ишлаб чиқилаётган юридик ҳужжатларнинг самарали ва адолатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот — жамият ва давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини, стратегик мақсадини фуқароларга, оммага етказишга қаратиладиган маърифий ва тарғиб усулларидир. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳуқуқий тарғиботнинг таъсирчанлиги ва халққа тушунарли эканига ҳам боғлиқ. Демократик давлат қурилиши жараёнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш муҳим шартлардан саналади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги фармонини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур фармонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, декларациянинг 4, 21-моддаларида ҳам ушбу қоидалар кенгроқ ифодаланган. Унда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, яъни қуллик ёки қарамликдан сақланиш ҳуқуқи, азоб-уқубатга ёки жазога дучор бўлмасликнинг ҳуқуқий нормалари мустаҳкамланган. Ўзбошимчалик билан қамоққа олиш, ушлаб туриш ва қувғин қилинишдан сақланиш, қўйилган айбнинг асосланганлигини аниқлаш учун тенглик асосидаги адолатнинг барча талабларига риоя қилиш ва унинг тенглик, яъни суд томонидан холисона кўриб чиқилиши тартибга солинган.

Ҳар қандай жамиятнинг, ҳуқуқий манфаатларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга асосланган асосий қонуни, яъни Конституцияси бўлиши керак. Конституция, аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ҳамда давлат мафаатларига мос келиши шарт. Ўзбекистоннинг Бош қомуси — Конституциямизда фуқаролар мафаатлари барча нарсадан устун эканлиги таъминланган. Шунингдек, конституция фуқаролар ва давлат хавфсизлигини таъминлайдиган ягона мукаммал ҳуқуқий ҳужжат саналади. Юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг манфаати айнан Конституция орқали ҳимоя қилинган. Жумладан, Асосий қомусимизнинг 24-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир». Шу билан бирга Конституциямизнинг 28-моддасига кўра: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир», деб таъкидланади. Бош қомусимизнинг 40-моддасида эса, «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»деб кўрсатилган. 41-моддаси таълим-тарбияга қаратилган. Яъни ушбу моддада ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, ҳар бир фуқаронинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Моҳинур МИРВАЛИЕВА,
Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқувчиси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.

МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ

Мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Улар жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, миллий қадриятларни асраш ва ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш сингари эзгу ишларга ҳисса қўшиб келмоқда.

ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК

Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида улар томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда 91 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишлаб 72 мингдан зиёд, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида 65 мингта яқин, тўй-ҳашамлар ва маросимларни ихчам тарзда ўтказиш бўйича 70 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ҳамда "Ота-оналар университетлари" томонидан 55 мингта яқин машғулотлар ўтказилди.

Шунингдек, кексалар билими ва тажрибасидан самарали фойдаланиш, улар иштирокида оилалар бирдамлигини таъминлаш, ёшларга миллий қадрият ва анъаналарнинг ўрни ва аҳамиятини янада теранроқ тушунтириш мақсадида "Икки авлод учрашувлари", аҳил-иноқ яшаб келаётган оилалар иштирокида "Эъзоз", "Эҳтиром" мавзуларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштирилди.

Фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришда ва тизим ходимларининг фаоллигини оширишда ҳар йили ташкил этиб келинаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Жумладан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ҳамда моҳияти ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётган мазкур танлов фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, тизим фаоллари билим ва малакасини ошириш, илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида ўтказилаётган ушбу танловнинг қуйи босқичлари "Гўзал ва бетакрорим-сан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида юқори савияда ташкил этилди.

Танловнинг жорий йилги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари ҳам ўзгача кайфият ва қизғин-баҳс мунозаралар руҳида бўлиб ўтмоқда. Шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Наманган, Самарқанд, Андижон, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари босқичлари бўлиб ўтди. Уларда туман (шаҳар) босқичида ғолиб бўлган фуқаролар йиғинлари иштирок этди. Мазкур босқичда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида эришилган ютуқ ва натижалар, ижобий иш тажрибалари адолат тамойили асосида баҳоланди. Шу билан бирга, уларнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари, "Ота-оналар университетлари" фаолиятини самарали ташкил этиш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида амалга оширилган ишлар атрофлича ўрганилди.

Иштирокчи фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш фаолиятида учрайдиган саволларга берган жавоблари, дунёқараши ва ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди. Шунингдек, маҳаллаларни комплекс ривожлантириш, соҳага оид илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, айни чоғда яратилган кенг имкониятлардан нечоғли тўғри фойдаланилаётгани, фаолиятни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатлари ижроси, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини таъминлашга оид ишлари сарҳисоб қилинди.

Танлов иштирокчилари 3 та шарт бўйича беллашди. Дастлаб замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намойиш этилган уларнинг ҳудудда амалга ошираётган эзгу ишлари, бу борада қўлга киритган ютуқлари ва намунали иш тажрибалари акс этган тақдимотлар ҳакамлар ҳайъати томонидан чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жойларда маърифий ишларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларга эътибор қаратилди. Иккинчи ва учинчи шартларда иштирокчиларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига оид билимлари, улар фаолиятида учраётган турли масалаларнинг ечимини топиш юзасидан малакаси, дунёқараши синовдан ўтказилди.

Умуман олганда, "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, жойларда аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг ўрнини кенгайтириш, нуфузи ва таъсирини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш мактаби сифатида ҳам аҳамиятли бўлди. Тадбирлар жараёнида йиғинлар фаолиятига оид фотоальбомлар, плакат ва стендлар, ҳунармандчилик ишлари, миллий либослар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Ғолиблар дипломлар ва "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

3 ва 4 август кунлари танловнинг Жиззах, Бухоро, Тошкент ва Навоий вилоятлари босқичлари ўтказилади.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви матбуот хизмати материаллари асосида Э.НИШОНОВ тайёрлади.

ТААССУРОТ

Ҳар бир давр, жамиятнинг журналистларга қўядиган талаблари бўлади. Гарчанд бу талаблар соҳага тегишли мумтоз қонуниятларни ўзида ифода этиб, қабул қилинган ва белгиланган меъёрларга амал қилса-да, унга ёндашув, журналистик вазифани бажаришга бўлган интилиш, иштиёқ, мақсад ва манфаат ҳар кимда турлича кечади. Шунинг учун журналистнинг ижоди соф индивидуал жараёндир. Унинг ижтимоий фаолияти жамият билан, турли ОАВ, таҳририятлар билан боғлиқ бўлса ҳам, аввало, инсон сифатида, фуқаро сифатида, шахс сифатида жамиятдаги ўрни, қолаверса, шу соҳанинг вакили сифатидаги маҳорати ҳам унинг ижодида намоён бўлади.

"МЕН КЎРГАН ДУНЁ"

Кўп йиллар "Ўзбекистон" телеканали "Ахборот" дастурида ишлаган Муҳаммаджон Обидовнинг фаолиятига ҳавас билан қарардик. У ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги муаммоларни дадил кўтариб, уларда мавзуни кенг ва атрофлича таҳлил қилар, муаммони келтириб чиқарган омилларни далиллар асосида очиб бериб, бутун жамоатчилик эътиборини шу масалага қаратарди. Унинг бир-биридан қизиқарли лавҳалари, таҳлилий репортажларини томошабинлар катта қизиқиш билан қарши оларди. Хуллас, Муҳаммаджон ака ҳақида гапирса, гап кўп. Аммо биз эътиборингизни "Мен кўрган дунё" китобига қаратмоқчимиз. Бу китоб Муҳаммаджон Обидовнинг кўп йиллар давомида ўзбек журналистикасида олиб борган фаолияти маҳсули, ижодий лабораториясининг ўзига хос ҳосиласи, таъбир жоиз бўлса, муаллиф ижодининг "қаймоғи" десак, муболаға бўлмайди.

Бугун юртимизда мингга яқин газета ва журналлар чоп этилмоқда. Ҳар ким хоҳлаган нашрини танлаб ўқиш имкониятига эга. Бу яхши, албатта. Аммо журналистика соҳасини танлаган, шу мақсадда таълим олаётган ёшларнинг катта қисми соҳада кўп йиллар меҳнат қилиб, унинг сирасрорлари, заҳматию машаққатини беш қўлдай биладиган журналистларнинг ижодидан айтарли хабардор эмас, уларнинг ўзига хос мактаблари, тили, услуби, маҳоратларидан бехабар қолаётгани ҳам сир эмас. Бу эса маҳоратли ижодкорларнинг мактабларини ўрганишга, мустақиллик даври журналистлари ижоди намуналаридан тузилган хрестоматияларга журналистика факультетларида эҳтиёж борлигини кўрсатади. Ана шундай эҳтиёжга жавоб тариқасида ушбу китобдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов узоқ йиллар давомида ёзган ва турли йилларда мамлакатимиз ОАВда эълон қилинган материаллари, телесценарийлари ўрин олган.

"Мен кўрган дунё" китобини ўқиш жараёнида, бугун халқаро журналистика факультети талабаларига худди шундай амалий қўлланмалар жуда зарур эканига яна бир карра амин бўлдик. Негаки, талабалар дарсларда кўпроқ назарий билимларни ўрганади. Мазкур китобда эса муаллиф журналистнинг жамиятдаги муҳим воқеаларни ёрита олиши, турли манбалардан, факт ва далиллардан фойдаланиш малакаси, холис фикр, шахсий позициясини билдириши учун мантиқий тафаккур зарурлиги тажрибалари мисолида кўрсата олган. Журналистика факультетлари талабалари ва ОАВда фаолият олиб бораётган ёш ҳамкасбларимиз учун амалий қўлланма сифатида чоп этилган "Мен кўрган дунё" китоби олти бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим "Халқ фаровонлиги мамлакат равнақи йўлида" деб номланиб, унда мамлакатнинг турли ҳудудларида турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мавзулардаги долзарб масалалар қаламга олинган таҳлилий мақолалар ўрин олган.

"Хориж сафари таассуротлари" деб номланган иккинчи бўлимда асосан муаллифнинг касб тақозоси билан чет элга хизмат ёки шахсий сафарлар таассуротлари ўрин олган. Уларда давлатнинг ўзига хослиги, географик жойлашувидан тортиб, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳолати, маданияти, аҳолисининг турмуш тарзи, миллий урф-одат ва қадриятлари акс этган.

Китобнинг учинчи бўлими "Муносабат" деб номланиб, унда мамлакатимизга бот-бот ахборот хуружи қилиб турадиган хориж ахборот каналлари, хусусан "Би-би-си" ҳамда "Озодлик" радиосининг фаолиятига муносабат билдирилган. Ушбу мақолалар мазмунида журналистнинг ҳақиқий фуқаролик ва касбий позицияси намоён бўлади. Бўлимда миллий журналистиканинг жаҳон медиамаконидаги иштироки билан боғлиқ масалалар ўртага ташланади

Китобнинг тўртинчи бўлимида муаллифнинг турли шахслар билан суҳбатлари акс этган.

Бешинчи бўлимдан ўрин олган очиқ хатларда эса М.Обидов аниқ шахсларга қаратилган мурожаати орқали соҳада учрайдиган камчиликларга муносабатини билдиради.

Китобнинг сўнгги бўлими муаллифнинг телевидениеда ишлаб юрган даврларида тайёрлаган ва телетомошабинларнинг эътиборини қозонган ҳужжатли фильмлари, телерепортажлари сценарийларига бағишланган.

Муҳаммаджон Обидов айни пайтда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари. Журналистларнинг бошини бир мақсад сари қовуштириб, маҳаллий ОАВнинг ижтимоий ҳаётдаги муносиб иштирокини таъминлаш борасида кўп хайрли ишлар қилмоқда. Тиниб-тинчимас журналист "Ўзбекистон овози" газетасининг вилоят бўйича махсус мухбири сифатида ҳам матбуотда фаол иштирок этиб келяпти.

Назира ТОШПЎЛАТОВА,
ЎзДЖТУ кафедра мудири,
филология фанлари номзоди, доцент

Ҳақиқат акси

ҲУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, бу, ходимлар дунёқараши, тайёрланаётган материаллар савияси ва таҳририятларнинг моддий-техник базаси ривожида ўзига хос тарзда акс этди.

Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида вилоят ОАВда хизмат қилаётган ҳамкасбларимиз бу борада соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижалари ва келгусида қилинажак ишларни таҳлил этдилар.

Бошқарма бошлиғи Абдугулом Султонов давра суҳбатини очиб, бу ҳақда гапираркан, шундай деди:

— Бу йилги касб байрамимиз Ўзбекистон мустақиллигининг чорак асрлик тўйи тантаналари арафасида ўтгани алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ўтган йилларда миллий матбуотимиз жадал ривожланди. Андижон қалам аҳли истиқлолнинг нақадар бебаҳо неъмат экани, уни қадрлаш ва мустаҳкамлаш зарурлигини халқимиз онгига сингдиришга муносиб ҳисса қўша олдилар. Тайёрланган ҳар бир мақола, лавҳа ва очерклар, таҳлилий материалларда истиқлол ҳамда у берган имкониятлар рўй-рост бўй кўрсатди...

Юртбошимиз табригидаги "Журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркор..." деган сўзлар ижодкорларга чексиз куч-қувват бағишлаши шубҳасиз.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, вилоятда чоп этилаётган туман-шаҳар ҳокимликлари нашрлари, тармоқ ва хусусий газеталарда ҳам таҳлилий-танқидий материаллар салмоғи ортди. Бу борада "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари таҳририяти карвонбошилик қилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг отахон нашрлардаги чиқишларга эътибори, кўрсатилган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга бош қўшиши журналистларнинг обрўси ошишига ижобий таъсир кўрсатяпти. Шунингдек, "Олтинкўл", "Қўрғонтепа ҳақиқати", "Жалақудуқ ҳаёти", "Давр садоси" каби газеталарда ҳам бу йўналишда ўзига хос ютуқлар кўзга ташланади.

— Давлатимиз раҳбарининг журналистларни энг яқин ёрдамчим ва маслакдошларим деб билишининг ўзиёқ бизга қанот бахш этади, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Назиржон Саидов. — Бундай ғамхўрлик ва эътиборга жавобан ҳамкасбларимиз изланиб, илҳоми жўшиб фаолият юритишаётгани таҳсинга сазовор. Бу, нафақат, газеталар саҳифаларида, шунингдек, ижодий меҳнат маҳсули бўлмиш адабий-бадиий асарларда ҳам ўз аксини топмоқда...

Айни кунларда андижонлик ҳамкасбларимиз Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак" даъватини қалбига жойлаган меҳнаткаш халқимиз эришаётган муваффақиятлар, ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ислоҳотлар самараларини таҳлил этиш асосида мустабид тузум давридаги ҳаётга ҳам яна бир қур назар ташламоқдалар. Зеро, мозийга қараб иш тутишдек хайрли юмуш ёш авлодга тарихий ҳақиқатни очиқ-ойдин кўрсатиб бериш, уларнинг онг-тафаккурига она Ватанга садоқат, эртанги кунга ишонч туйғусининг шакилланишига хизмат қилади.

Журналистлар бугунги кун тарихини яратувчилардир. Шу боис, мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни улар зийрак нигоҳлари билан кузатиб турибдилар. Белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, "мураккаб тарих саҳифаларини одамларга, айниқса, ёшларимизга етказиш, уларнинг кўзига ҳақиқатни очиб бериш"дек бурчни бажаришда андижонлик журналистлар, албатта, изланиб ишлайдилар ва ижод қиладилар. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлинмаси вазифасини бажарувчи У.Аҳмедов, "Андижоннома" газетаси бўлим мудири Н.Эргашев, Андижон давлат университети "Илмий хабарномаси" муҳаррири Д.Қуронов шундай фикрларни ишонч билан билдирдилар.

Саидахрорбек ЗАҲРИДДИНОВ

Интернет журналистикадаги рақобат:

ПЛАГИАТ, КОПИРАЙТ, РЕРАЙТ ВА РЕПОСТ



2-АУДИТОРИЯ

Интернетнинг шиддатли ривожи янги тушунчалар билан биргаликда муаллифлик ҳуқуқига риоя этмаслик, бирор шахсга тегишли асар, ғоя, материални ўзлаштириш ҳолатларини келтириб чиқарди. Замон зайли билан тилимизга кириб келган тушунчалар ичида плагиат, копирайт, рерайт, репост сўзлари сўнгги вақтларда кўп ишлатилмоқда. Мазкур тушунчалар интернет журналистикасида янги йўналишларни ҳам келтириб чиқаришга омил бўлди. Хўш, плагиат билан копирайт ва рерайтнинг фарқи нимада? Нусха кўчириш маъносини англатадиган копирайт бировнинг асарини ўғирлаш эмасми? Қайта босиш, яъни репостга материални қайта чоп этган одам асар муаллифига тегишли муаллифлик ҳуқуқининг бир қисмига дахл қилмайдими?

Муаллифлик ҳуқуқи бевосита "плагиат" атамаси билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Ушбу атама XVII асрнинг бошларида илк бор Европада қўлланила бошлаган. Рим ҳуқуқида "plagium" (сўзма-сўз таржима қилинганда ўғирлаш) эркин кишини қонунга зид равишда қул сифатида сотишни англатган. Дастлаб адабий асарларни ўғирлаш — "plagium litterarium" деб, "адабий ўғри" эса — "plagiator" деб номланган. Ҳозирги кунда қўлланилаётган "плагиат" атамаси эса французча "plagiat" — "тақлид" маъносини англатади.

Плагиат ўзганинг асарини ўзининг номидан нашр этишда, шунингдек, ўзганинг асаридаги муайян қисмлардан манбасини кўрсатмасдан фойдаланишда намоён бўлади. Плагиатнинг мажбурий белгиси — ўзганинг муаллифлигини ўзлаштириб олиш. "Плагиат" атамасини амалиётда кенг қўлланилаётган "контрафакт (сохта) нусха" атамасидан ҳам фарқлаш зарур. Одатда "контрафакт (сохта) нусха" деганда интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси (фақат муаллиф эмас, балки иш берувчи, асардан лицензия асосида фойдаланувчи, патент эгаси ва шу кабилар)нинг рухсатини олмасдан ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш тушунилса, "плагиат" фақат ўзганинг муаллифлигини ўзлаштириш, асарни ўзининг ижодий меҳнат маҳсули эканини даъво қилишда ифодаланади.

Оммавий ахборот воситаларида плагиатнинг аниқланиш хавфи бадиий адабиётга қараганда бирмунча юқорироқ. Бироқ юқорида қайд этилганидек, интернетнинг кенг имкониятлари ва кўп ўринларда журналистик материалга баҳо бераётган кишиларнинг "муаллиф"га "хайрихоҳликлари" натижасида, плагиатга йўл қўйиш ҳолатлари юзага келмоқда. Албатта, бу жараёнда плагиат учун биринчи галда муаллиф, яъни журналист жавобгардир. Асосий айбдор ва амалдаги қонунчиликда белгиланган жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс — "адабий ўғри", "плагиат", "сохта муаллифдир". Плагиатни баҳолашда бошқа тилдан таржима қилинган асарларнинг қисмларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш ҳам талаб этилади. Бу ҳолатда таржима тўғрилиги, муаллиф фикрларининг нотўғри таржима қилинмагани учун асарни таржима қилган шахснинг ўзи жавобгарликни зиммасига олади ва бу ҳақда сўзбошида қайд этади. Бундан ташқари, плагиат ҳаммуаллифликка мажбур қилишда ҳам кўзга ташланиши мумкин. Яъни асар муаллифини мажбурлаб у билан ҳаммуаллиф сифатида асарни чоп этиш, сохта ҳаммуаллиф сифатида ўзини эълон қилиш ҳам плагиат ҳисобланади.

"Копирайтинг" тушунчаси инглиз тилидан "матнларни ёзиш" деб таржима қилинади. Бу тушунчага фаолият ҳамда матн типи ҳам киради. Копирайтинг фаолият сифатида ўз ичига бирор-бир мавзу юзасидан мақола ёзишни билдирса, матн типи сифатида ўзига хос матнли материални билдиради (мақола, шарҳ, аннотация ва ҳоказо). Копирайтер, бу муаллифларнинг ноёб материалларини устидан қайта ишлайдиган ёки ўзи ана шу ноёб материалларни ОАВ учун ёзадиган инсондир.

Бугунги кунда копирайтингнинг бир неча турлари мавжуд: **ОАВ учун копирайтинг**, мақолалар, буюртма асосида материал тайёрлаш. Реклама копирайтинги (ахборот-реклама ва «сотилувчи» турларга бўлинади).

Ахборот-реклама мақолалари сайтлар контентини тўлдириш учун ёзилиб, улар ўқувчи учун қизиқарлидир ва яширин рекламадан иборат бўлади.

Сотилувчи матн товарлар ва хизматларнинг афзалликларини кўкларга кўтариб мақтайди. У нафақат тижорий таклиф мазмунини очиб беради, балки харид қилишга ҳам ундайди.

Матбуот-релизлари. Маълум бир аудиторияга мўлжалланган ОАВда ёритиш учун тайёрланган ахборот хатлари.

Блог постлар. Сўзлашув тилида ёзилиб, бирор-бир масалани муҳокама қилишга ундайди.

SEO-копирайтинг ёки **роботлар учун матнлар** — интернетда сайтларни илгари суришнинг асосий усули. Бундай матнларда калит сўзлар кетма кетликда берилади ва қидирув тизимларида матнларни топишни осонлаштиради.

Мақолалар дўкони учун копирайтинг (турли мавзулардаги тайёр мақолалар).

Албатта, ҳар бир муаллифнинг фикрини ифода этиш услуби бор. Копирайт матнлари учун асосий талаблар қуйидагилардан иборат: ўзига хослик, орфографик ва услубий хатоларга йўл қўймаслик, аниқ ва креатив ғоя.

Хўш, ҳар қандай аудитория учун қизиқ бўлган мавзуни қаердан топиш мумкин?

Ҳаётий тажрибангиз — бевосита сизни ва атрофдагиларингизни қийнаётган муаммолар жамият учун қизиқ ва долзарб. Масаланинг ечимини кўрсатиш, ҳеч бўлмаганда ечимини топиш учун йўналтириш, муваффақиятингиз калити.

Кутубхона — билимларингизни кенгайтириш ва мақолангиз учун мавзу топиш учун қулай жой.

Интервью ёки телефон сўзлашуви — доимо сизни қизиқтирган мавзу юзасидан ахборот бера оладиган инсонларни топса бўлади.

Интернет маълумотлари — афсуски, тармоқда улар ҳам кўп. Шунинг учун ҳам мавзуни аниқлагач, интернетдан қўшимча манба сифатида фойдаланганингиз маъқул.

Копирайтингнинг асосчиларидан бири Жон Кейплз бўлиб, унинг "Рекламанинг синалган усуллари" номли китоби илк маротаба АҚШда 1932 йилда чоп этилган эди. Унда бевосита реклама матнларини ёзиш борасида сўз юритилиб, копирайт реклама ва ташвиқот материалларини ёзувчи шахс сифатида таърифланади. Соҳада ёрқин из қолдирган яна бир шахс, Жозеф Шугерман XX асрнинг охирларида Америкانинг энг етакчи копирайтерларидан бири сифатида тан олинган. Унинг "Реклама матнларини ёзиш санъати. Етук Америка копирайтер маълумотномаси" кўпгина мамлакатларда бир неча маротаба қайта нашр этилган.

Копирайтингдан фарқли ўлароқ **рерайтинг** (ингл. rewriting) — мавжуд матнларни улардан фойдаланиш учун қайта ишлаш демакдир. Копирайтинг матнни бошидан ёза бошласа, рерайтинг уни қайта ишлайди. Матнларни услубий жиҳатдан ўзгартирадиган инсонларни рерайтерлар деб аташади. Рерайтинг муаллифлик ҳуқуқини бузганликда айбламаслик учун фойдаланилади. Яъни, мақолада факт ва далиллар олиниб, у қайта ёзилади. Рерайтерлар матнни қайта ишлашда қуйидаги усуллардан фойдаланадилар: сўзлар ўрнига уларнинг синонимларини ишлатиш; тўғри гапни ўзлаштирма гапга айлантириш; абзацлар жойини ўзгартириш; тушунча ва сўз бирикмаларни тўғри келганига ўзгартириш; матнни маъно юклама-сига эга бўлмаган иқтибослар ва сўз бирикмаларини ўчириш орқали соддалаштириш ва ҳоказо.

Қайта ишланган матн мақола оригиналидаги маънони ўзида сақлаб қолиши зарур.

Интернет журналистикасида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган яна бир тушунча бу **репостдир** (инглизча re — "асос, яна бир марта", post — "хабар бериш") — бу бир ресурсда бирор бир хабарни қайта чоп этишдир. Репостнинг вазифаси эълон қилинган хабарга яна бир маротаба эътиборни тортишдан иборат. Репостлар асосан ижтимоий тармоқларда кенг қўлланилади. Бу фойдаланувчилар томонидан матн муаллифининг муаллифлик ҳуқуқини сақлаган ҳолда ахборот улашишнинг бир туридир. Илгарилари аксарият веб-сайт маъмурлари интернетдан матн, сурат, видеони ўғирлаб, ўз сайтларига жойлаштиришган бўлса, репост орқали унинг муаллифини ва манбасини кўрсатган ҳолда ахборотни чоп этиш мумкин.

Хуллас, ушбу атамалар ҳар бирининг ўз вазифаси ва юки бор.

Наргис ҚОСИМОВА

РАҚАМЛИ ТЕНГСИЗЛИК ФЕНОМЕНИ

ШАРҲ

Инсон табиатида ўзини бошқалардан кўра қайсидир хислати ёки қудрати билан устун қўйишга, айни пайтда устун туришга мойиллик бор. Одамзод тарихидаги барча аянчли ҳодисотлар, жангу жадаллар инсоннинг айни шу ҳукмронлик истаги атрофида айланади.

Аввалига матриархат ва патриархат тузумлари ўртасидаги тафовутлар, уларнинг ўзгариши билан жинслар ўртасидаги тенгсизликнинг ошиб кетиши, айрим давлатларда ҳамон аёл ҳуқуқларининг поймол этилаётгани, унинг фақат оила чегарасида ўралашиб, эркак кишига моддий, маънавий, ижтимоий, маиший жиҳатдан қарамлик ҳолатлари соҳа мутахассисларини ўйлантираётган, энг муҳими, дунёнинг кўплаб кишилари бу тенгсизликдан азият чекаётган бир пайтда нигоҳимиз табақаланишнинг бошқа кўринишларига тушаверади. Бу – моддий тенгсизлик, насл-насаб жиҳатидан устунликлар, ирқий камситилиш, эътиқодга кўра табақалашув ва ниҳоят, асримизнинг "янги кашфиёти" – рақамли тенгсизлик муаммоси...

1968 йили Стэнли Кубрикнинг "2001: Фазовий одиссей" номли фильми киноэкранларга чиқди. Ундаги фантастик ғоялар, воқеа-ҳодисалар – электрон чўнтак воситаларию суперкомпьютерлар – кўпчиликнинг ақлини шошириб қўйганди, ҳатто тасаввурларига сиғдиролмасдилар. Бугун хаёлот ҳақиқатга кўчди. Замонавий компьютер технологиялари ва коммуникация воситалари дунёнинг энг асосий ривожланиш "двигател"ига айланди. Инсоният янги аср – глобал ахборот асрига қадам қўйди. Бироқ бу каби мислсиз имкониятларни ҳаётга татбиқ этишга бугунги дунё кишиси тайёрми? Глобал ахборот асрига ўтиш оғриқсиз, қурбонларсиз кечадими ёки янги ижтимоий ва сиёсий муаммолар чангалида қоладими?

XXI аср инсоният тарихига ахборот асри сифатида кириб келиши тамаддун тараққиётидаги тақозо этилган жараёндир. Гап шундаки, охирги ўттиз йил давомида инсоният мисли кўрилмаган суръатда ахборот оқимларини ишлаб чиқариш ва улар алмашинувини тезлаштириш бўйича аввалги барча даврлардан фарқли ўлароқ, жиддий натижаларга эришди. Бундай тезлашиш ва ахборот оқимларининг кенгайиши натижасида глобал ахборот жамияти анъанавий жамият билан рақобатга киришиб, биринчисини "сиқиб" чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Маршалл Маклюэннинг "катта қишлоқ" атамаси ахборот жамиятига киноямуз қўлланилган. Аслида эса ахборот жамияти барча анъанавий жамият вакилларини ижтимоий-иқтисодий табақаланишдан кўра ахборот коммуникация-технологияларига эгалик даражаси бўйича янги кўринишдаги табақаланишни юзага келтирмоқда. Ва у глобал ахборот оқимларига дахлдор, улардан йироқдаги фуқароларни айнан мазкур белги бўйича кескин икки қатламга ажратиб қўймоқда. Бу ҳолат нафақат битта фуқаро, балки бутун бошли давлатлар мисолида кузатилмоқда. Яъни XX асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида кенг истеъмолга кирган "тез ўйловчи" ва "секин ўйловчи" халқлар, миллатлар ибораси давлатларни ҳам айни шу тоифа бўйича кескин табақалаштириб қўйганига ёрқин мисолдир. Бу муаммо нафақат одамларни икки қатлам – "бой ва қашшоқ", "қолоқ фикрловчилар ва замонавий кишилар"-га ажратди, давлатлар миқёсида ҳам "бадавлат ва ночор", "ахборот ва билимга эгалик қилувчи" ёки аксинча атамалар билан дунё икки қисмга ажрала бормоқда.

"Рақамли тенгсизлик" (ёки "рақамли узилиш" – digital divide) атамаси Қўшма Штатларда 90-йилларнинг ўрталарида қўллай бошланган. Ахборот технологияларининг дунё давлатларида турлича ва нотенг тақсимлангани рақамли тенгсизликни, унинг ортидан эса нафақат ахборий, айни пайтда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий, мафкуравий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тўрт юз йил илгари инглиз файласуфи Фрэнсис Бекон илгари сурган "Кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади" ғояси бугунга келиб "Кимки янги ахборот технологияларига эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади" деган янгича қараш билан ўз тасдиғини топаётир. Янги ахборот технологияларини дунёга тақдим этиш соҳасида Жанубий Корея, Япония ва Сингапур давлатлари етакчилик қилаётган бўлса, улардан фойдаланиш бўйича Хитой, АҚШ, Россия мамлакатлари олдинда. Африка ва Европа қитъасидаги аҳолининг ахборот инфратузилмаси билан таъминланганлик даражаси, айни пайтда ахборот билан таъминланганлик даражасини кўрсатади ва бу ҳолат ҳар жиҳатдан улар ўртасидаги катта тафовутдан дарак беради. Жаҳон электрон (компьютер) жамиятдан мобилга томон қадам қўймоқда экан, юқоридаги тенгсизлик ҳолатларини худди шу жараён мисолида ҳам кузатиш мумкин. "Олтин миллиард дунё номини олган дунё аҳолиси янги мобил телефонларининг асосий фойдаланувчилари бўлиб, қолган икки миллиард дунё кишисининг қўлида ҳатто энг оддий уяли алоқа воситалари ҳам йўқ. Ҳудудий нотенг тарқалишга қуйидаги кўрсаткич орқали гувоҳ бўламиз: мобил телефондан фойдаланувчиларнинг 32 фоизини Европа мамлакатлари аҳолиси, 31,45 фоизи – Шимолий Америка (АҚШ ва Канада)га тўғри келса, Лотин Америкаси бу борада атиги 5,7 фоиз кўрсаткичга эга. Яқин Шарқ ва Африка давлатларини тилга олмаса ҳам бўлаверади. Интернетга мобил телефонлар орқали кириш бўйича АҚШ етакчиликни қўлга олган бўлса, иккинчи ўринда Буюк Британия, сўнг Италия ва Россия давлатлари турибди. Эндиликда 850 миллион компьютер ўрнини уч миллиард уяли алоқа воситаси эгаллади. Энг қулай оммавий ахборот воситаси бўлган телевизорлар 2 миллиардни ташкил этади холос. Охир-оқибат уяли алоқа телефони ахборот олиш ва тарқатишнинг энг қулай воситасига айланиб қолмоқда. Ярим миллион хитойлик Олимпиада ўйинларини айнан мобил телефонлари орқали кузатгани ахборот жамиятида эндиликда уяли алоқа телефонларининг нуфузи ва аҳамияти ортиб бораётганини тасдиқлайди. Мобил газеталар, мобил китоблар, мобил телевидение, мобил тўлов, мобил савдо каби атамаларнинг вужудга келиши ахборот жамияти жараёнини, унга ҳамоҳанг рақамли тенгсизликни ҳам тезлаштириб юборди. Рақамли табақаланиш, шунингдек, гендер ва этник масалаларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатиб улгурди. Масалан, АҚШ узоқ муддат афроамерикалик ва лотин америкаликларнинг ахборот технологиялари борасидаги қолоқлиги сабаб дунё рейтингидан муносиб жой ололмади. Бу эса шубҳасиз ички низоларга, ирқчиликка сабаб бўлаяпти.

Глобал ахборот жамиятининг илк кўринишлари – "электрон ҳукумат", "электрон савдо", "электрон солиқ", "масофавий таълим" каби кўплаб йўналишлар орқали давлатлар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги устунликларини дунёга кўрсатиб қўйишга шошилмоқдалар. "Қудрат – ахборот жамиятига биринчилардан бўлиб ўтган давлатлар қўлида" фарази ҳақиқатга айланаётир. Кўплаб давлатлар глобал ахборот жамиятига қўшилиш учун куч ва молиявий ресурс сарфлашига қарамай, у келтирадиган фойда – вақт ва маблағнинг тежалиши каби натижаларга эриша олмаяпти. Бунга давлат хизматчилари ва фуқароларнинг техник саводхонлигининг пастлиги, давлат бошқаруви минтақавий, маҳаллий органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ҳақида ахборот танқислиги, давлат бошқаруви тизимининг марказий, вилоят, туман, шаҳар органлари ўртасида тўғридан-тўғри ахборот алоқаларининг сустлиги, бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасида ахборот тақдим қилиш системаси ҳамда ахборот каналларининг йўқлиги, электрон бозор муносабатларининг тўла йўлга қўйилмаганлиги, давлат тўловларининг ҳануз анъанавий усулда амалга оширилаётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзўзидан дунёга сўз айтиш шарти ва ҳуқуқи замонавий ахборот-коммуникация технологияларига эгалик қилаётган ва улардан унумли фойдаланиш кўникмасига эга бўлган давлатлар – Жанубий Корея, Австралия, Сингапур, Франция, Нидерландия, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Янги Зеландия ва Финляндия ихтиёрида.

Глобал ахборот жамиятида ахборот оқими тезлиги ахборот тарқатувчилар ва ахборот бошқарувчиларгагина боғлиқ жараён бўлиб, йирик шаҳарлар ва кичик ҳудудлардаги ахборотлар ўртасида воситачилик қилувчилар бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли чеккасига ахборотни тақдим этади. Ахборот жамиятида "чекка ҳудудлар" йўқолиб кетиш хавфи остида қолади, миллатлар бу жараённи тўхтатиб қолишга эса ожизлар. Қудрат кўп ҳолларда йирик шаҳарлар ва уларнинг марказлари қўлига ўтиб боради (Нью-Йорк, Лондон, Токио, Сингапур). Соғлом ва рақобатбардош ахборот тармоқлари вужудга келиши учун бирдамликка эҳтиёж сезилади, яъни ахборот оқими ривожига тақиқ қўйилган ва ахборот жамиятига ўтиш жараёни узоқ муддатни талаб этувчи давлатлар ёки жойлашувига кўра чеккароқ ҳудудда, аммо буюк саноат-технологик қудратга эга (Финляндия), йирик ресурслар маркази бўлган (Хитой) давлатлар жуда катта ишонч билан бирлашиши (Скандинавия) ёки кучлар нисбатини бир жойга тўплаши (Узоқ Шарқ) лозим. Ресурсларни марказлаштириш инновацион-интенсив иқтисодий муваффақиятларга олиб келади (Ҳиндистон, Яқин Шарқ). Ахборот жамияти шароитида дунёнинг ҳар бир бурчи (давлат ёки шаҳар) жаҳон иқтисодиёти ва технологиялари ривожи йўналишида ўз имкониятларини чамалай билиши ва ўз йўлини топиши ёки дунё бозорига босқичма-босқич чиқишга таваккал қилиши лозим. Ривожланаётган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам "рақамли тенгсизлик" бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2006–2015 йилларда ер устки рақамли телевидениесини чегаравий ривожлантириш бошланди. Ўзбекистонда қабул қилинган ер устки рақамли ва овозли эфирга узатиш концепциялари ер устки рақамли телевизион ва овозли эфирга узатишда DVB–T ва T–DAB Европа стандартларига мослиги тан олинди. Айни пайтда Самарқанд, Қаршидаги рақамли эфирга узатишнинг тажриба зоналарида 90-йиллардан олдин ишлаб чиқарилган инфокоммуникацион қурилмалардан фойдаланилмоқда. 2002–2005 йилларда рақамли телевизион асбобларни ишлаб чиқариш, кадрлар тайёрлаш ҳамда ҳудудий телевизион станцияларни кенгайтириш ишлари бошланди.

БМТнинг электрон ҳукумат институтларининг ҳамда аҳолининг давлат бошқарувидаги электрон иштирокининг ривожланганлик даражаси бўйича рейтингда биринчи ўринда турган Жанубий Корея тажрибаси бунга мисол бўла олади. 2001 йилда юридик кучга эга бўлган электрон ҳукумат мазкур давлатда уч босқични ўз ичига олиб, ҳар босқичда 225 миллион АҚШ долларидан 981 миллион миқдоргача маблағ сарфланган. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, 2007 йилга келиб мамлакатда марказий бошқарув органларининг 55 фоизида давлат аппаратининг 96,6 фоиз ходимлари ахборотларни қайта ишлашнинг миллий системасидан фойдаланишга ўтган. Мамлакатда бугунги кунда барча давлат харидлари веб-технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Бу – тендерларнинг 93 фоизи ва онлайн-харидларнинг 99,6 фоизи демакдир. Давлат инстанцияларига товар ва хизматларни етказиб бериш, ташқи савдода экспорт бўйича божхона декларацияларини кўриб чиқиш каби фаолият турларининг электрон ҳукуматни жорий этиши ортидан ҳар йили 10 миллиардан ортиқ маблағ тежаб қолинмоқда. 2008 йилдан бошлаб Корея Республикаси Японядан ташқари Эквадор, Индонезия, Бангладеш, Шри-Ланка, Мали сингари давлатларга электрон ҳукуматни шакллантириш учун технологик ечимларни етказиб бериш бўйича шартнома ҳам тузган.

Мамлакатда, бир сўз билан айтганда, божхона ишидан тортиб интеллектуал мулк масалаларигача автоматлаштирилган системага ўтилган. Асримиздаги табақаланиш энди нефть ва газ захиралари ёки ерости-ерусти бойликлари миқдори билан эмас, айнан ахборот ҳамда билимга эгалик даражаси бўйича кечади. Бугунги дунё кишиси ахборот жамиятининг ютуқлари баробарида, у келтириб чиқаридиган оғриқларга тайёр туриши лозим.

Севара АЛИЖОНОВА

БАНГЛАДЕШ

ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Гоно Прожатонтри Бангладеш — бенгал тилидан таржима қилганимизда Бангладеш Халқ Республикаси бўлади. Қадимий тарих ва ажойиб маданиятга эга бу ўлка Ҳинд океанининг Бенгалия қўлтиғида жойлашган, аҳоли сони бўйича дунёдаги энг катта ўнта мамлакатдан бири ҳисобланади. Яъни бугун ушбу диёрда 142 миллиондан зиёд (2010 йилги маълумот) киши истиқомат қилмоқда.

Бангладеш аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатлар сирасига киради. Яъни унинг майдони салкам 144 минг километр квадрат (1 квадрат километр майдонда ўртача 1000 киши истиқомат қилади). Маъмурий жиҳатдан 4 вилоятга бўлинади, улар 19 округни ўз ичига олади. Аҳолисининг 98 фоизи бенгаллар, расмий тиллари бенгал ва инглиз тиллари.

Бангладеш аграр мамлакат бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолисининг қарийб 80 фоизи қишлоқ хўжалиги билан банд. Серқуёш ўлка бўлгани боис ер майдонларининг ярмидан деҳқонлар бир йилда икки-уч марталаб ҳосил оладилар.

Шоли бенгалларнинг энг севимли экини. Деҳқончиликнинг асосини шолизорлар ташкил этади. Яъни ишланадиган ерларнинг 90 фоизига шоли экилади. Шунингдек, чой, шакарқамиш, буғдой, дуккакли ўсимликлар, кунжут, хантал етиштирилади. Чорвачилик ҳам ривожланган.

Бангладеш иқтисодиётида саноат тармоғи ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Қоғоз, кимё, нефть маҳсулотлари, цемент ишлаб чиқарилади. Машинасозлик корхоналари бор. Тўқимачилик, озиқ-овқат тармоқлари ҳам ривожланган.

Тошкўмир, табиий газ, темир рудаси, торф конлари бор.

Бангладеш иқлими тропик, муссон, ёзи иссиқ ва серёмғир, совуқ ойларда об-ҳаво қуруқ келади. Июнь — сентябрь ойларида ёғингарчилик кўп кузатилади. Бу пайтда бутун мамлакат бўйлаб тошқинлар юз беради.

Бу диёр ўзининг ажойиб фаунаси билан ажралиб туради. Дарёларида тимсоҳ, тошбақа ва балиқлар мўл. Чангалзорларида йиртқич ҳайвонлар ичида энг кучлиси саналмиш йўлбарс ва бошқа мушуксимон жониворлар яшайди. Тоғли ҳудудларини фил, каркидон ва қопланлар макон тутган.

Бангладеш 1971 йил мустақилликка эришган. 1974 йилдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси билан Бангладеш Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йилда ўрнатилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БУ ТУРФА ОЛАМ

ЭРТА ЎЛИМНИНГ САБАБЛАРИ



Швециялик шифокорлар инсоннинг эрта ўлимига сабаб бўлувчи омилларни аниқлашди. Бунда биринчи ўринни чекиш, иккинчи ўринни эса жисмоний тайёргарликнинг пастлиги эгаллайди, дейди олимлар. Ушбу хулосалар Гётеборг шаҳрида олиб борилган узоқ муддатли кузатишлар натижасида қўлга киритилди. 1913 йилда туғилган 792 нафар киши 45 йил давомида кузатиб борилди.

Тадқиқот бошланган 1963 йилда кузатув остидаги инсонлар 50 ёшда эди. 1967 йилда организмнинг максимал кислород сингдириш имкониятини кўрсатувчи "VO2 max" тестини улардан 656 нафари топшира олди. Қолганларга эса акс таъсир хавфи туфайли тест топшириш тақиқланди.

Жисмоний машқлар давомида организм қанчалик кўп кислородни сингдира олса, эрта ўлим хавфи ҳам шунчалик паст бўлади, дейди мутахассислар. Чекиш, юқори босим ва қон таркибидаги холестерин миқдори ҳам эрта ўлимга алоқадор омиллар деб топилди.

"GOOGLE"НИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

Интернетда бир неча сония ичида Ер куррасидаги ҳар қандай кўчада жойлашган уйни кўриш мумкин бўлган қулай ресурс очилди.

Бундай "саёҳат" учун глобусда зарур объектни белгилаш ёки сизни қизиқтирган манзилни ёзиш керак бўлади. Қидирувни инглиз ва рус тилларида амалга ошириш мумкин. Энди сиз ҳар қандай шаҳар кўчаларида виртуал равишда сайр қилишингиз мумкин. Истасангиз, иншоотни ҳар томондан кўздан кечирасиз. Бу "Google" компаниясининг фойдаланувчиларга янги туҳфасидир. Ушбу сервисга қуйидаги линк орқали кириш мумкин: http://showmystreet.com/

ҲИНДИСТОНЛИК МИЛЛИАРДЕРНИНГ КАШФИЁТИ

Кўпинча одамлар энергиянинг қимматлиги ва "машғулотларга вақт ажрата олмаётганларидан" нолиб қолади. Ушбу икки хил муаммони бир вақтнинг ўзида ҳал этиш йўли топилди.

Ҳиндистонлик миллиардер Манож Бхаргава ҳам танадаги кераксиз ёғларни эритиб, ҳам чироқларни ёқадиган ихтирони яратди. У ўйлаб топган электр гибридли велосипед орқали уйни электр қуввати билан таъминласа бўлади. Унга ўтирган киши велотренажёр педалини айлантиришни бошласа, генераторни ишлатувчи қурилма ишга тушади ва аккумлятор қувватланади. Бир соатлик ана шундай машқ хонадонни 24 соат электр қуввати билан таъминлайди.

Ихтирочининг мақсади камбағаллик сабаб электр қувватидан баҳраманд бўла олмаётган 1,3 миллиард кишини бахтиёр этишдир. Қурилма ёрдамида, ҳатто интернетдан фойдаланиш ва таълим олиш ҳам мумкин.

Маножнинг "Агар сен бойлик соҳиби бўлсанг, муҳтожларга ёрдам бериш бурчингдир" деган шиори бор. У ўз ҳисобидан ана шундай велосипедлардан 10 минг дона чиқаришни мўлжаллаган.

ҒИШТ ТЕРУВЧИ РОБОТ

Австралиянинг "Fastbrick Robotics" компанияси намунавий коттежни икки кун ичида қура оладиган робот яратди. Адриан исмли робот ғиштларни қурувчилардан тезроқ тера олади, унинг ишига тўланадиган ҳақ эса инсонларга нисбатан 10 фоиз камроқни ташкил қилади, деб ёзади "International Business Times".

Европада 122 йил давомида 100 километрдан зиёд узунликка эга мудофаа истеҳкоми: Адриан деворини барпо этишни бошлаб берган Рим императори Андриан шарафига роботни шундай номлашди. Машина соатига 225 та ғишт тера олади. Бунча ғиштни ўртамиёна қурувчи ярим кунда теради.

Роботни яратган "Fastbrick Robotics" раҳбари Майк Пивак ва унинг амакиваччаси Марк эндиликда янада мукаммалроқ қурилма – бир соатда мингта ғишт тера оладиган роботни яратиш устида ишламоқда. Улар роботларни АҚШда сотишмоқчи.

УЧАР КУРСИ



Швециялик муҳандис Аксель Борг ана шундай курси яратди. Унда бензинда ишлайдиган саккизта пропеллер (паррак, ҳаво винти), каркас қувур, контроллер ва ўриндиқ жойлашган.

Курсини лойиҳалаштириш давомида Аксель унга бир нечта ўзига хос талаб қўйди: қурилма ихчам ўлчамларга эга бўлиши ва одатий гаражга сиғиши, оддий, қулай ва учиш давомида бир финжон қаҳва ичиб дам олиш имконини бериши керак. Албатта, унда узоқ масофага учиб бўлмайди, бироқ кўнгилочар парвоз учун фойдаланиш мумкин.

Конструкция етти минг доллар таннархга эга. Уни яратиш учун муҳандис олти ой вақт сарфлади. Бироқ у иш ва оилага вақт ажратмасдан, лойиҳага бутунлай киришса, бунга иккиуч ҳафта вақт сарфлаш мумкинлигини таъкидлади.

Интернет материаллари асосида Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

Жазирама иссиқ кунларнинг бирида гавжум бозорда сув сотувчининг мешини бир бола тешиб қочади. Бу ҳолат бир неча бор такрорлангандан сўнг мешкоп боланинг отасини топиб, ўғлининг қилмишидан хабардор этади. Ота-она фарзанди тарбиясидаги бу айбни ўз илдизларидан излайдилар. Иккаласининг ҳам падарлари ҳалол меҳнат қилганлиги, ўзлари ҳам ҳаромдан ҳазар қилишгани ҳақида узоқ ўйлашади. Шунда ўтмишдаги воқеа онанинг ёдига тушади. Она мана шу фарзандига ҳомиладор бўлганида, бозордаги анорни олиб тўғноғичи билан тешиб ялагани кўз олдида намоён бўлади.

БАРАКА — ҲАЛОЛЛИКДА

Қадимдан бизгача етиб келаётган, мана шу каби ривоятлар, ҳикоятлардаги ҳалоллик, бировнинг ҳақига кўз олайтирмаслик, ҳаром луқмадан ҳазар қилиш борасидаги насиҳатлар андишали ва орномусли халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Ҳаётда инсон турли қийинчилик, машаққатларни бошидан кечиради. Уларни босиб ўтгандан кейин эса, ортига назар солиб унинг поклигидан, гўзаллигидан ҳузурланади. Донолар айтадики, инсон ҳаёти икки айро йўлга тўғри келармиш, уларнинг бири пок (ҳалол) иккинчиси нопок (ҳаром). Бу йўллардан қай бирига қараб йўл юриши инсоннинг ўзигагина боғлиқдир. Зеро, ҳалол ютуққа эришиш қийин бўлса-да, унинг меваси тотли ва ширин бўлади.

Яқинда рўзғор учун ул-бул нарса харид қилгани бозорга тушгандим. Савдо растаси устида териб қўйилган ташқи кўринишдан қизил, текис, ҳеч қандай камчилиги йўқ картошкалардан беш кило беришларини сўрагандим. Сотувчи маҳсулотини роса мақтаб, пастдаги қопидан картошка олиб берди. Уйга келиб қарасам, чиройлилари ўрнига қурт тушган, ярми ириган, сўлиганидан солиб берган экан. Бир хиёл ортимга қайтиб, сотувчининг бундай фирибгарлигини рўйирост юзига айтгим келди. Лекин андиша қилдим.

Бу каби ҳолат ҳаммамизда ҳам юз бериши мумкин. Бир танишимнинг ҳикоясини тинглаб бунга ўзим ҳам амин бўлдим.

"Уйимга меҳмонлар келганди, бозордан яқинда олган ёнғоқларни чақиб қўймоқчи бўлдим. Ишонасизми, сотувчи қўрсатган мазали, мағзи тўқ ёнғоқлар ўрнида, нам, моғорлаганлари турибди. Меҳмонлар кеттандан сўнг бозорга бориб ҳуқуқ-тартибот ходимларини чақириб, ёнғоқларнинг аҳволини кўрсатдим. Сотувчининг ҳамма кирдикорлари фош бўлди. Биласизми, у ёнғоқларнинг ҳар биттасини игна билан тешиб, сувга ивитиб қўяр экан. Тарозининг анча оғирлигини босган ёнғоқлар моғорлаб кетган экан".

Бу каби воқеаларни келтириб бозордаги сотувчиларнинг ҳаммаси ҳам шудай найранглар билан харидорларни алдайди деган фикрдан йироқмиз, албатта. Лекин орамизда қўли эрги, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар ҳам учраб туради.

Айтайлик, ўша аёл ёнғоғининг ҳар биттасини тешиб устидан сув солиб, вазнини оғирлаштириб нечта одамга сотди экан? Бу ишидан келган фойдани болаларининг камқўстига ишлатмадими ва пул топиш учун бундан бошқа йўллар тополмабдими?

Атрофга назар солсак, кимнингдир боласи гиёҳванд, кимнингдир боласи жиноятчи, кимники эса ўғрилик билан қўлга тушган. Буларнинг ота-оналари биз таъкидлаган сотувчилар каби, ҳаром пуллар эвазига "қора қозонини" қайнаттандирлар. Бундай оилада вояга етаётган бола эртага ота-оналарининг "ҳақ" йўлларидан бориб, ўз фарзандларини ҳам мана шу усулда тарбия қилмайдиларми?

Кундалик ҳаётимизда бозор ишлари билан боғлиқ воқеалар бўлиб туради, айниқса, тарозидан уриб қолиш энг инсофсиз ишлардандир. Муқаддас китобларда тарози ўлчовларидан уриб қолиш энг катта гуноҳлардан эканлиги ёзилган. Манбаларда келтирилишича, "ҳаром" сўзининг маъноси тақиқлаш, яъни фойдаланиши, истеъмол этилиши ман этилган нарсадир, "ҳалол" сўзи ҳаромнинг акси бўлиб, мумкин бўлган нарсалардир.

Ҳар ким яшаётган бу оламидан эзгу ишлар, эзгу амаллар қолдириши керак, хайрли ишларининг бошида эса, ҳалоллик турмоғи даркор. Ҳалолликнинг ўзи каби дўстлари кўп. Эзгулик, яхшилик, барака, хотиржамлик. Фикримча, дунёни гўзалликдан ҳам олдин ҳалоллик қутқарса керак.

Меҳрибон ЭШҚУВВАТОВА

ЎЗЛИК САРИ ЧОРАК АСР

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК...

Бу воқеага анча бўлган. 1987 йилда Ҳиндистонга бориш насиб этганди.

...Калькутта аэропортида қоп-қора, бироқ кўзлари ёниб турган озғин болакайларнинг садақа сўраб қилган илтижолари ҳануз кўз ўнгимда. Назаримда ҳиндлар ўз мустамлакачилари бўлмиш инглизларга хайрихоҳдек туюлди. Негаки, Калькуттадаги Ашок меҳмонхонасида бизга хизмат қилаётган ҳинд мулозимлари дафъатан ресторанда инглизлар пайдо бўлишганида улар ҳузурига югуриб боришди. Улар бизни унутишганди, ўша дам.

Саёҳат ниҳоясида Мадорас, ҳозирги Ченнай шаҳри яқинидаги гўзал Махабилурамдаги Олтин қум оромгоҳи ресторанида банкет уюштирилди, унга Москвадан келган ёшлар гуруҳини киргизишди. Бизлар эса ажабланиб, «Нега бизларни киргизмаяпсизлар?», деб сўрадик. Мулозим ҳинд эса сизларга кириш мумкин эмас, сизлар «руси колон *(Россия колонияси, яъни мустамлакаси)* дейишди. Мулозимларнинг ҳар қарашларида камситиш билан бирга қандайдир ачиниш ҳисси ҳам йўқ эмасди. Албатта, олдинлари ҳам ўз юртимизда миллатимиз камситилишини кўрган пайтларим бўлган. Аммо ҳатто хорижда ҳам очиқдан-очиқ бизлар иккинчи нав одам ҳисобланишимизни ўшанда чуқурроқ англаб етдим. Шуниси қизиқки, ҳиндлар ўзбек миллати ҳақида эшитмаган экан, уларга Бобурни эслатдик ва афсуски, улар Бобурни мўғул деб билишаркан.

Орадан икки ярим йил ўтиб, яна эртаклар мамлакати Ҳиндистонга бориш насиб этди. Истиқлол шабадалари юртимизда ҳам эса бошлагани туфайли 1990 йилда Деҳли—Тошкент ҳаво йўли очилганди. Ҳолбуки, 1987 йилда Деҳлидан қайтаётиб, Тошкент аэропортига икки соат қўниб, яна Москвага учган эдик ва ўша ёқдан қайтиб келгандик. Ҳиндистонга боришимиз ҳам шундай бўлган. Энди эса Ҳиндистонга тўғридан-тўғри учиб келдик. Аграда жаҳон мўъжизаси Тожмаҳал зиёратидан қайтишда бир дўконга кирдик ва бу дўкон хусусий эканлигини эшитиб ажабландик ва дўкондорга ҳавасимиз келди. Бизда ўша пайтларда хусусий мулк деган тушунча ҳали шаклланмаган эди.

Истиқлол йилларида ҳам Ҳиндистонда кўп марта бориш насиб этди. Охирги гал 2012 йил декабрида йўл бошловчимиз Манжит жанобларининг фахр билан Бобур ҳақида у сиз ўзбекларнинг юртидан, деб айтганида кўп ғурурландик ва буни шубҳасиз, истиқлол шарофатидан деб билдик.

Мен бу гапларни нега ёзаяпман? Чунки ўша пайтларда ҳар қандай мустақиллик ҳаракатлари марказ томонидан аёвсиз қонга ботириларди. Собиқ империя жуда усталик билан иқтисодий ришталарни марказга боғлиқ қилиб қўйган эди. Жумладан, Оҳангарондаги «Сантехлит», «Стройплатмасса комбинатлари асосий хомашёни Россиядан оларди. Собиқ тузум қулагандан сўнг дастлабки йилларда чет эл валютаси танқислиги ҳамда мазкур корхоналар маҳсулотлари бозор талабларига жавоб бера олмагани туфайли юқоридаги корхоналар таназзулга учради.

Ҳа, собиқ империя фақат амалдору коммунистлар учун яратилгандек эди. Амалдор коммунистлар ҳар қандай имтиёзлардан фойдаланишарди. Улар учун махсус дўконлар ишлаб турар, оддий халқ эса узундан-узун навбат туришарди. Кундалик турмуш учун зарур бўлган оддий маҳсулотлар, масалан, чой, колбаса, пишлоқ, қуюлтирилган сут каби озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, шифер, ёғоч-тахта, фанер каби қурилиш материаллари ўша пайтда анқонинг уруғи эди. Оддий одамлар уларни олиш учун райижроқўмда йиллаб сарсон бўлишар ёки «шапкаси» билан олишга мажбур эдилар.

Энди эса дўконлардан хоҳлаган нарсангизни топа оласиз. Фақат ишлаш, ҳалол меҳнат қилиш керак, холос. Илгаригидек боқимандачилик билан яшашнинг замони ўтди. Куни-кеча ўзим туғилган Қорахитой қишлоғига борган эдим. Равон кўчалар, бир-биридан чиройли уйлар, бежирим мактабларни кўриб ҳавасинг келади. Ҳамма қуриш билан банд, уй олдида шағал ёки қум уюмлари. Ошхонаю чойхоналарни айтмайсизми? 1991 йилгача кундуз соат ўн иккидан кейин Оҳангаронда тушлик қилолмасдингиз. Ҳозир бир-биридан кўркам ошхона ва гўзал чойхоналар тун-кун ишлайди, уларда кўнглингиз тусаган таом бор. Тўйларимизни қаранг, тўкинчилик, фаровонликни кўриб кўнглингиз шод бўлади. Ҳозир қишлоқ аҳлининг кийиниши шаҳарликлардан қолишмайди Истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги кескин тафовут йўқолди.

Собиқ империя йилларида Оҳангарон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғини ҳеч ҳам эпақага келтириб бўлмади. Кимни қўймасин, давлатнинг пулини ўмариб жуфтакни ростларди. Бугунги кун тадбиркори ўз молмулкини ўмармайди, аксинча, уни кўпайтиради. Моҳир тадбиркор Шавкат Комилов ҳозирги кунда мазкур маданият ва истироҳат боғини ҳамма ҳавас қиладиган даражага келтирди. Қисқаси, кейинги йилларда Оҳангаронда турли соҳалардаги тадбиркорлар элга хизмат қилиш борасида мамлакатимизга танилдилар.

Йўлларимизни обод, манзилларимизни яқин қилиб турган ажойиб машиналарни кўринг. Энг асосийси, улар ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Илгари соат кечки бешдан кейин охирги автобусга илинолмасангиз, Тошкентда қолиб кетишингиз аниқ эди. Ҳозир эса ярим тунда ҳам кўчада қолиб кетмайсиз. Мен айтаётган гаплар чорак аср, йигирма беш йил мобайнида эришилган мўъжизалардан атиги бир шингил.

Мустақиллик йилларида дунёга келган бахтли ўғил-қизларимизга ҳавасим чексиз. Ишонаманки, улар ҳали кўпдан-кўп ажойиб мўъжизаларнинг гувоҳи бўладилар. Ўзимга келсам, мана шундай дориламон кунларга етказгани учун яратган Эгамга беадад шукурлар айтаман.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Оҳангароншифер» АЖ касаба уюшмаси кўмитаси раиси

ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ...

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Йўлга чиқдингизми, албатта, гурунг берадиган бирор ҳамроҳ топилади. Мавзулар — турли бўлса-да, ҳаётга доир. Баъзан, баҳсга ҳам айланиб кетади.

— Кеча финал зўр бўлди-я, шопир ака? — дейди ҳамроҳларимдан бири.

— Ҳа, боя бекатда йигитлар айтаётувди, — жавоб қайтаради ҳайдовчи.

Суҳбатимизга бошқалар ҳам қўшилиб, гап футболдан бугунги кун мавзуларига кўчди.

Ҳайдовчи:

— Шу десаларинг, одамларимиз ҳам содда-да, бир гапга тезда ишонади-қўяди.

Яқинда хорижга ишлагани борган тўрт йигитни уйига элтиб қўйдим. Улар не азоблар билан етиб келибди. У ёқда иш бор деса, учиб боришган экан. Қараса, айтилган ишдан дарак йўқ. Бир ой сарсон-саргардон бўлиб, не қиларини билмай, уйга қайтишибди. Ишни яхшилаб суриштириб борувдиларингми, десам, қўшни қишлоқдаги бир кишидан эшитиб кетдик, дейди. Ҳозир тўс-тўполон замонда хорижда бало борми?

— Осон пул топаман, тезда бойиб кетаман деганлар адашади, — дейди ёши элликлар чамаси ёнимдаги киши. — Одамларга ҳайронсан. Кунинг ўтиб, қора қозонинг қайнаб турган бўлса, нима қиласан ортиғини? Бирим икки бўлсин десанг, бизнес қил ё ҳунар ўрган. Ҳозир бунинг орқасидан тагида машина, данғиллама уй қуриб, маза қилиб яшаётганлар озми? Ён қўшнимнинг ўғли пойтахтда мебел цехида бир-икки йил ишлаб ҳунар ўрганиб келди. Энди қишлоққа келиб ўзи мебел ясаб сотяпти. Буюртмаларнинг чеки йўқ. Ёнига яна уч шогирд олиб, уларга ўз касбини ўргатяпти. Шунинг орқасидан рўзғорини бутлади, отасига машина оберди. Қишлоқда ҳамма унга ҳавас қилади.

— Чиндан ҳам, деҳқонми, боғбонми, ким ўз ишининг устаси бўлса, шу яхши яшаб юрибди. Маҳалламизда Салим деган киши бор. Ўзи қирқларга кирган. 20-30 сотих ери бор. Қишин-ёзин ердан чиқмай ишлайди. Қишда иссиқхонада етиштирган помидор, бодринг, кўкатни сотади. Неки полиз экин, бўлса, уники биринчи. Ҳатто мевалари ҳам шунақа. "Бир тупдан фалон тонна мева олдим", дейди. Бир парча ердан миллионлаб даромад қилади. Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ экан, — дейди ҳайдовчи.

— Шунча ишлаб бир кунлик тўйга совуриб юбориш, аламли-да. Қийналиб, пул топиб, орзу-ҳавас деб борини совураётганларни кўп кўраяпмиз, — дейман улардан гап олиш учун.

— Э, сўраманг, ука. Ўтган йили мен ҳам қиз чиқарувдим, — дейди олди ўриндиқдаги киши. — Бўларим бўлди. Худога шукур, неварали бўлдик. Аммо бешик тўйини тўйхонада қилишим керак эмиш. Кўдалар шундай деяётган экан. Тўйхона бўлгандан кейин камида 200-300 одамга жой қилинади. Унинг харажатини ўйласам, бошимга оғриқ киради. Қилмай кўринг-чи, қуданинг қовоғидан қор ёғади. Шу қизим тинч бўлсин деб, барига рози бўласан. Ҳозир бешик тўйи, ундан сўнг суннат тўйи қилса, яна бир тер тўкиш керак. Хуллас, болаларни катта қилгач, невараларни ҳам ўйлаш керак.

— Кейинги пайтларда йўқ жойдан янгича одатлар чиқиб қоляпти-да.

— Пули бор киши тўқликка шўхлик қилиб, ўзини ҳаммага кўрсатиб қўйиш учун миллионлаб сарфлаб тўй қиляпти. Бу ғирт исрофгарчиликнинг ўзи-ку.

— Тўй қилишдан мақсад икки ёш оила қурганини бошқаларга маълум қилиш аслида. Ҳозир икки ёш қолиб, қолган беҳуда латта-путтаю, мебелларига эътибор кучайиб кетди. Ҳозир шаҳару қишлоқларда ҳам тўйларимиз каттагина кошоналарда бўлаяпти. Тўй дастурхонлари турли ноз-неъмат билан тўла. Тўйдан сўнг уларнинг қанчаси исроф бўлади. Яратган юртимизга тинчликни ҳам, файз баракани ҳам бериб турган бўлса, шукур қилиш ўрнига уни исроф қилсак. Ҳеч тўғри бўлмаса керак-ов.

— Нимасини айтасиз, шу тинчлик бўлиб турибдики, тўй қиламиз. Агар у бўлмаса, на еганнинг на яшашнинг мазмуни қолади. Хавотиру, қўрқишдан адо бўлиш ҳеч гапмас. Интернет ёки чет эл каналларини кўрсанг, доим бир жой портлаган ёки отишма бўлган. Бу каби воқеалар олдин бир-икки жойларда учрарди. Энди эса борган сари таҳлика ортиб боряпти.

— Ака, шу тинчлик дейсиз, бизда яна тинчликдан бошқа нима бор, — дейди ўсмир йигит. Бу гап ўтирганларни бир қўзғатгандек бўлди.

— Ия, ғалати бола экансан-ку. Сен олдинги қийинчиликларни кўрмагансан-да.

Мана шу юрган йўлимиздан 15-20 йил олдин бир ўтиб кўрганингда, билардинг. Автобусу машиналар йўлнинг ўнқир-чўнқиридан эшак аравага ўхшаб юрарди. Гапим нотўғри бўлса мана аканглардан сўра. Яна бир гап. Сени ҳеч нонсиз оч қолган, нонга зориққан пайтинг бўлганми? Ёки шунақа инсонларни ҳеч кўрдингми яқин йилларда?

— Йўқ, кўрганим йўқ.

— Бугунги тўкинликка етишиш осон бўлмаган. Бир бурда нонинг қадрини оилангдаги катталарда сўра, айтишади. Кишилар ун учун нон учун буғдой ўримидан қолган бошоқларни териб, тегирмондан ун қилдиришарди. Ҳар кимникида ҳам оппоққина нон бўлмасди қишлоқда. Энди дўконнинг оппоққина нонини ейсан. Соатлаб, ярим кунлаб навбат кутиб, нонсиз уйга қайтмагансанда. Бўм-бўш дўкону бозорларни кўрмагансан-да. Ўшанда биларди нг, бу кунларнинг қадрини. Қаерга борсанг, тўкин-сочинлик, шунга ўрганиб қолишганда бизни одамлар.

Хуллас, ҳамроҳлар билан ҳаётимиздаги айрим нарсалар ҳақида анча мушоҳада қилдик. Сўзларидан шуни билдимки, ҳозир хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ шаҳар, иш кўзини билган киши тўкин, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Фақат юқоридаги каби исрофгарчиликдан бошқасига ўтмайдиган айрим иллатлар кишини ўйлантиради, холос

Гап-гап билан манзилга ҳам етганимизни сезмай қолдик. Одатда суҳбатдошларинг дилкаш инсонлар бўлса, шундай бўлади. Шукурки, кўпинча сафарга чиққанимда мана шундай инсонларга дуч келаман. Халқимиз шундай, кўнгли очиқ, меҳр оқибатли-да. Уловдан тушарканмиз, амаки: "Юринглар чой қилиб берай" дейди. Манзилимизга шошаётганимизни айтиб, хайрлашдик. Халқимиз ажойиб-да. Орасида бегонаси йўқ. Қаерга борманг, водийми, воҳами, барчаси меҳмондўст "чойга юринг", ёки "бир пиёла чой бор" дея ҳурмат кўрсатади. Бир пиёла чой баҳонасида меҳр ришталари боғланади.

Ҳа, шундай тинч-омон юртда, хотиржамликда, кўк чойни дамлаб, салқин сўрида ўтириб, ошналар, яхши инсонлар билан дилдан суҳбат қилишга нима етсин. А, лаббай!

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Аудиторлик ташкилотларини тугатиш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади?

— Аудиторлик ташкилотларини тугатиш Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-қарори билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

— Аудиторлик ташкилотини ихтиёрий тугатишда қонун ҳужжатларида қандай имтиёзлар назарда тутилган?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида аудиторлик ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб ташкилотнинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилиши, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ҳамда бошқа турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, ушбу қарор билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида муассислар (қатнашчилар), тадбиркорлик субъекти тугатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида норма сифатида қайд этилди.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими Э.ХОЛМАХМАТОВ жавоб берди.

Оқибатли Ашурбой

ФАОЛИЯТГА НАЗАР

Ашурали Жўраевни дўст-биродарлари яқин тутиб Ашурбой деб ҳам атайдилар. "Бой"лиги рост унинг – ёр-жўраси мўл, бари унга талпиниб туради. Бунақа одамни "ширасн бор, оҳанрабоси бор" ҳам дейдилар. Маърака-маросимларда ҳам қаҳрамонимизни кўпинча каттакичик давраларнинг ўртасида турганини кўрасиз. Ўзингиз ҳам хабардор бўлган гапларни у янги тафсилотлари билан, янгича талқинда, зўр маҳорат ила сўзлаб бераётган бўлади.



Айтишларича, газетада ишлаган ёш кезлари бош муҳаррир уни эрталабдан ҳузурига чақиртириб олиб, "Қани, Ашурбай, гапиринг, оламда нима ган?" деб сўраркан. Ашурали у ёқ-бу ёқдан эшитган янгиликларини айтиб тамомласа ҳам, "Яна? Яна-чи?" дермиш "тўймай қолган" кекса ҳангаматалаб.

Бу гапларга Ашуралининг ўзи бугун уввало мункир келиши мумкин, лекин биз ҳам осмондан олиб айтаётганимиз йўқ...

Дўстимиз жуда оқибатли, қирқ йил бурун ихлос қўйган жўраларини ҳали-ҳамон бағридан узмайди. Улардан кимдир аллақачон "кўтарилиб" кетган, яна бирови аллақачон "тушиб" кетган – Ашурбой эса ўша-ўша дўсту қадрдон, ўша-ўша уларга содиқ, меҳрибон!

Қачон қараманг, бу одам ана шундай дўстларнинг даврасида ёки устозларнинг хизматида. Гоҳо бир-бирини иқи суймайдиган кишилар ҳам Ашурбойга муносабатга қолганда бир хил – яқин, қадрдон. Дейлик, у ҳамиша адабий ҳаётнинг марказида, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, бугун энди Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳаммад сингари устозларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида яқин юриб, уларнинг хизматида бўлди, дуосини олди.

Ашуралининг айниқса Неъмат Аминовга муносабатини чинакам устоз-шогирдлик намунаси дейиш мумкин.

Борини айтаверайлик, эътиборли фарзанди ёки шогирдлари бўлмаса, унча-мунча номдор адиблар ҳам камроқ эсланадиган бўлиб қолди. Устози ҳақидаги хотираларни тўплаб чоп эттиришга бош-қош бўлган Ашурали эса зикр этиб келади, айтиш мумкинки, у бугун унутилмас, ажойиб адибимизнинг бу дунёдаги ишончли бир адабий вакилига айланган.

Неъмат Аминов ҳаётлигида Ашурали ростдан ҳам у кишининг энг яқин укахони, ҳамдам суянчиғи эди, устозининг иссиқ-совуғидан доим хабар олиб турарди. Неъмат ака ҳам бу куйди-пишди шогирдини фарзандидек кўрар, ўзига ярашган бир фахр ва шўхлик аралаш суйиб уни "Ашур раис" деб атарди.

Ашур раис... Бекорга эмас. Билиб-топиб айтилган.

Бир ёзувчи акахонимизнинг таваллуд тўйини ўтказиш учун йигирма чоғлиқ киши вилоятга бордик денг. Ўша ерлик хийлагина таниқли адабиётшунос "тўйбола"нинг ижодига доир жилд-жилд китоб кўриб, зўр-зўр иқтибослардан иборат академикона маърузани тахтлаб қўйган экан. Аммо илк тадбирдаёқ қирқ-эллик йил бурунги даққи мажлисларни ёдга соладиган эсноқи бир руҳ эгаллади даврани. Пойтахтда юриб, бунақанги алмисоқий сафсаталарни унутиб юборган меҳмонларни ташвиш босди: "Яна уч кун шундай димиқиб ўларканмиз-да!"

Ҳайтовур, эртаси куни нимадир сабаб билан расмий маърузачимиз учрашувга кечикиб қолдию, кўпчиликнинг "давай-давай"и билан Ашурали Жўраев ўртага чиқди. У биринчи луқмаси биланоқ барчани жалб этиб, даврани гуллатди-юборди. Анови "эски раис"нинг келиб-кетганини ҳам биров сезмай қолибди.

Кейинги уч кун Ашур раис бошчилигида ана шундай қувноқ, шўхчанлик билан ўтди.

Кўриб турибсиз, гап фаол журналист ва ёзувчи, ношир ва муҳаррир Ашурали Жўраев устида кетаётир. Нега бўлмаса унинг ижодидан сўз очмаяпмиз? Ие, шундай таъриф-тавсифларга лойиқ одам ёмон ёзармиди?! Адибнинг машҳур Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига бағишланган йирик қиссасини, собит эътиқод билан ёзилган "Конверт-одам" тўпламини, "Саҳифага сиғмаган сатрлар" туркумини, матбуотдаги ҳозиржавоб мақолаларини эътироф этмасак инсофдан бўлмас. Бироқ уларнинг таҳлилига ўтай десангиз, адабиётшунос дўстларга нима қолади?! У ёғини сўрасангиз, Ашурбой бизга биринчи навбатда инсон сифатида, дўст сифатида қадрли. Бугун уни ҳар қанча олқаб-олқишлаб гапирсак бўлади – у энди унча-мунча мақтовдан шишинадиган ёшда эмас, тирикликнинг кўп синовларидан ўтиб вазминлик, устозлик босқичига қадам қўйган. Муборак бўлсин, Ашурбой, деймиз, умрингизнинг бу ёғига ҳам файзу барака!

Эркин АЪЗАМ

ТАНЛОВ

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ ҳофизи Эсон Лутфуллаев ижодига бағишланган республика кўрик-танлови ўтказилди.

Мумтоз наволар тараннуми

Шундай куй-қўшиқлар борки, улар фақат бир-икки эмас, минглаб, миллионлаб инсонларнинг шодлигига шерик, дардларига малҳам бўлади. Бундай куй-қўшиқларни мумтоз асарлар деб атаймиз. Мумтоз куй-қўшиқларни ҳар қандай санъаткорлар ҳам маромига етказиб ижро эта олмайди. Бунинг учун чинакам истеъдод соҳиби бўлиш лозим. Юртимиз санъат чўққисини забт этган, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Ҳабиба Охунова, Отажон Худойшукуров ва Эсон Лутфуллаевлар ана шундай санъаткорлардан эди. Улар ижро этган қўшиқлар ўзбек санъатимизнинг дурдонаси сифатида олтин фондда сақланяпти. Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Эсон Лутфуллаев репертуаридан ашула, катта ашула, мақом йўллари ҳамда ўзбек мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига ўзи басталаган асарлар ўрин олган. Санъаткорнинг "Кўзига сурма қилди", "Юраги тоза бўлсин", "Зор этма", "Дастингдан", "Ноз уйқуси", "Афсона деб" каби ашулалари кўпчилик мухлислар қалбидан жой олган.

Ҳофиз томонидан мақом ва мумтоз ашула йўлларида "Наврўзи сабо", "Феруз", "Мўғулчаи Наво", "Чапандози Баёт", "Чоргоҳ", "Бухоро Ироғи", "Сувора", катта ашулалардан "Соғиндим", "Оҳким" каби сара асарлар ўзига хос ижро услубида талқин этилган,

Эсон Лутфуллаевнинг бой ижодий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида Устоз ҳофиз ижодига бағишланган республика кўрик-танлови Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

– Республикамиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов барчага байрамона кайфият бағишлади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос санъати, мусиқаси, ижрочилик анъаналари бор. Мақом ва мумтоз ашула шундай йўналишки, уни танлаган ва машаққатлардан чўчимай астойдил интилган ижодкор, албатта, халқнинг олқишини олади. Шунинг учун ҳам мумтоз ашулаларни халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ҳамда моҳир ижрочиларни излаб топишда бундай танловлар катта имкониятлар яратади, – дейди Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. Танловда ҳудудий босқичларида 20 дан 50 ёшгача бўлган 140 нафарга яқин яккахон ҳаваскор хонандалар қатнашиб, уларнинг 20 нафари кўрик-танловнинг республика босқичида ўз маҳоратини синовдан ўтказишди.

Кўрик-танловда биринчи ўрин Жиззах вилоятидан Қутлуғ Ҳайдаровга насиб этган бўлса, иккинчи ўрин Андижон вилоятидан ташриф буюрган жўр овозлар Лочин Абдуллаев ва Азизбек Абдулазизов, Жиззах вилоятидан Отаёр Амруллаевларга, учинчи ўрин Самарқанд вилоятидан келган жўр овозлар Дилшод Жўраев ва Мақсуд Бердиқулов, Бухоро вилоятидан Дилшод Ҳайдаров ҳамда Фарғона вилоятидан Шерали Раҳмоновларга насиб этди. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик марказининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари, шунингдек, ҳомий ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Аброр МЕЛИБОЕВ,
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази бўлим мудири

Олам ва одам мадҳи

МУТОЛАА

Ўзбек шеърияти ҳамма даврларда ҳам ўзлигини намоён этиб келган, албатта, бунинг учун етарлича истеъдодлар бўлган. Айниқса, ўтган аср 70-йиллар адоғида адабиётимизга жўшиб, гуриллаб кириб келган ёшларни оладиган бўлсак, бу ҳодисага яна бир карра гувоҳ бўламиз.



Бугун айнан мана шу авлод вакиллари шеъриятимизнинг залворли юкини елкага олиб, матонат ва сабр билан кўтариб келаяпти, десак асло муболаға бўлмайди. Улар орасида Йўлдош Эшбекнинг гоҳида ўйчан, гоҳида шиддатли овози алоҳида ўрин тутади. Ўтган саксонинчи йиллар биз шеърият мухлислари, ўша давр талабаларининг яхши эсимизда. ЎзМУ(аввалги ТошДУ) ётоқхоналари, Мирзачўл пахта далаларидаги шеърхонликларда Абдулла Ориф, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон ва бошқа бир қатор шоирларнинг шеърларини завқ-шавқ билан ўқирдик, муҳокама ва мубоҳаса қилардик. Улар орасида, албатта, Йўлдош Эшбек ҳам бўларди. Севимли шоирларимизнинг оташин туйғулар билан йўғрилган севги-муҳаббат, ватан мавзуларидаги шеърларидан миллий ғурур, миллий қадриятларни, энг муҳими, ўзликни қидирардик. Таъкидлаш керакки, давр тақозосидан келиб чиқиб, шоирларимиз мустабид тузумнинг ноқисликлари, миллатимизнинг фожиаларини турли рамзлар, тимсоллар билан ўраб беришга интиларди. Биз эса уларнинг мағзини чақишга, сўзларга берилган маънони англашга уринардик.

Яқинда Й.Эшбекнинг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижод уйи томонидан нашр этилган «Қизғалдоқлар очилди» номли китоб мухлислар қўлига етиб борди.

Муштимни қаёққа ураман,
Душманнинг юзи йўқ, юзи йўқ,
Хастаман, телбаман, куламан,
Дунёнинг ўзи йўқ, ўзи йўқ,

дейди шоир «Ошиқ ривояти» шеърида. Гарчи шеърда ошиқнинг дарду армонлари хусусида сўз юритилса-да, аслида шоир ошиқ тимсолида ўша даврнинг мавжуд барча иллатлари — алдов, таназзул, зўравонлик, ноҳақликларни рўй-рост очиб беришга ҳаракат қилган. Муаллифнинг ўша йилларда ёзилган «Шифохонада» шеърида эса даврнинг аянчли фожиаларидан бири бўлган хаста ва ногирон болаларнинг шифохонадаги ҳаёти акс эттирилади. Шоир жамият кўра-била туриб лоқайд қараётган бу ҳолдан жунбушга келади. Хаста гўдакка ҳамдардлик изҳор этиб, шундай сатрларни битади:

Дунёда жамики хаста болалар —
Менинг болаларим! Асал болалар!
Рўзғор ҳам, замон ҳам, ҳаёт ҳам асли,
Болаларнинг буюк шифохонаси!

Муаллиф турғунлик даврлари манзараларини маҳорат билан акс эттирган «Эълон қилинмаган ватан уруши» сарлавҳали шеър ҳам мухлисни бефарқ қолдирмайди:

Қуриган денгизлар
Йитган саҳролар,
Ўрмонлар ва боғлар,
Иймон қуриши,
Асабларда портлаб турган ядролар—
Эълон қилинмаган жаҳон уруши.

Й.Эшбекнинг ушбу шеърларини ўқияпману, ўша давр манзаралари — пахта яккаҳокимлиги, халқимизнинг ҳар томонлама хўрлангани, болалар ўлими, оналарнинг нолаю фарёди бир-бир кўз ўнгимдан ўтаяпти. Шоирнинг «Бахтиёрнинг қўшиғи», «Йиғлаётган қиз», «Бойчибор», «Қуш» каби шеърларида ҳам ҳақиқат ва озодлик деб талпинаётган юракнинг шиддатли депсинишларини ҳис этамиз.

Мана, Худога беҳад шукур, мустабид тузум патарот топиб, 1991-йилда мустақилликка эришдик. Қанча-қанча отабоболаримиз орзу қилиб етолмаган дориламон кунлар бошланди. Пировардида, кўплаб мушкулликлар, қийинчиликларни ортда қолдириб, ёруғ кунлар қуёшидан ва ҳавосидан баҳраманд бўлдик. Орадан чорак аср ўтиб эса аввал ким эдигу, бугун ким бўлганимизни нафақат ўзимиз, балки бутун дунё аҳли очиқ-аён кўриб турибди.

Й.Эшбек анча йиллар китоб нашр этишга шошилмаган ёки бунинг имконини қилолмаган бўлса-да, мустақиллик йилларида ҳам катта илҳом билан баракали ижод қилди. Унинг бу даврда ёзган шеърлари аввалгиларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилишини айтиб ўтиш жоиз. Зотан, у энди балоғат палласига етиб, ҳар бир сўзи янада юксак залвор касб этди, фикрлари булоқ сувидай тиниқлашди. Энди у шеъриятнинг, умуман, адабиётнинг бирламчи талаби сифатида ҳар бир сўзни, керак бўлса, ҳар бир тиниш белгисини етмиш марта тарозига солиб, кейингина ишлатадиган бўлди.

Шоир ижодининг илк босқичида кўпроқ урғу берилган ижтимоий масалалар янада ўзининг мураккаблиги ва салмоғи билан сатрларга жойланди. Ижодкорнинг лирик қаҳрамони, яъни XXI аср одами бутун коинотни, оламни ва жамиятни уйғоқ шуур ва нигоҳ билан идрок этишга интилади. Ватан, озодлик каби буюк қадриятларга шоир аксарият кишилар ўйлагандек оддийгина тирикчиликни ўтказиш ёки қорин тўйдириш воситаси деб қарамайди. Аксинча, шоир Ватанни севишни, уни ардоқлашни тақдир деб, ўтмиш ва келажак олдидаги масъулият, инсоний бурч деб билади. Айнан шундай қарашлардан келиб чиққан ҳолда, шоир энди ўз фикр ва туйғуларини шеърлар қатига дарж этди. Хусусан, «Достонга илова» сарлавҳали шеъридаги ушбу сатрлар буни яққол ифодалаб турибди:

Энди қайғу саодатдай порлайди,
Энди бахтлар тахтдан баланд юртимда.
Энди барчин кўчмас бўлди, кўчмасин,
Чироғимиз ўчмас бўлди, ўчмасин.

Й.Эшбекнинг «Ватан достон бўлса осмонга сиғмас» деб бошланадиган шеъридаги қуйидаги сатрларга ҳам эътиборни қаратайлик:

От чоптириб ўтар гулдурак ичра,
Алпомиш сиғмасдан дўмбира ичра,
Болалар чўққилар оша учирар,
Варраклар, тоғлару адирлар ичра.

Шафаққа туташар даштлар гулхани,
Будир қизғалдоқзор чопиб кулгани,
Достонни куйдириб ўтиши тайин,
Ватанни сатрга жойлаб кўр, қани?

Юқорида айтганимиздек, шоир жами борлиқни бир бутунликда кўради. Инчунун, олам ва одамнинг мукаммаллигини ҳам мана шу бир бутунликда ҳис этади. Унинг ҳар бир сатрида олам ва одамнинг ҳаёти, дардлари ва қувончлари ўз инкишофини топади. Оқибатнинг кичрайиб бориши туфайли мувозанат бузилишини эса у қуйидагича тасвирлайди:

Иқлимлар ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда,
Кичрайиб бормоқда оқибат,
Кичрайиб боргани сайин оқибат,
Тошқинлар, ёнғинлар қўзғалмоқда.

Албатта, мўъжаз бир мақолада қирқ йиллик ижоднинг мингдан бирини ҳам қамраб ололмаслигимиз аниқ. Бу ерда энг асосийси, Йўлдош аканинг шеъриятимиз мухлисларига жуда ажойиб бир туҳфа ҳадя этгани. Ҳали ушбу китоб ҳақида, умуман, шоир ижоди ҳақида зукко мунаққиду олимларимиздан ҳам талай яхши фикрлар эшитишимизга шубҳа йўқ. Қолган гапларни уларга ҳавола этиб, шоирга узоқ умр, ижодда янги довонларни забт этишни тилаб қоламиз.

Абдумажид АЗИМ

Улуғлар сабоғи

Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматлари

— Авлиёликнинг уч белгиси бор, — дейди Ҳазрати Хожа. — Бири — унинг юзи одамларни ўзига жалб этади. Иккинчиси — мажлисда гапирганда сўзи ром этади. Учинчиси — авлиёни ҳамма улуғвор деб билса ҳам, унинг ўзи ҳеч қачон кибр-ҳаво қилмайди.

***

Ҳазрати Хожадан каромат кўрсатишни сўрадилар.

— Бизнинг кароматимиз ўз-ўзидан маълум, негаки, шунча гуноҳимиз борлигига қарамасдан, ер юзида юра олаяпмиз, — дедилар у зот.

***

Ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан қилинган ҳеч бир ишда хайру барака бўлмайди. Яхши амаллар ва гўзал ишлар биноси ғазабу ҳафсаласизлик билан эмас, меҳр, иштиёқ билан бунёд этилади.

***

Адабда ҳамиша собит бўл. Унда озгина нуқсонга йўл қўйдингми, нимаики қилсанг, бу ишинг беадаблик бўлиб кўринаверади.

***

Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қолишимиз мумкин, ахир ҳеч ким бу дунёда айбдан холи эмас.

***

Елка тутдим не юкинг бўлса,
нега тутмай ахир,
Не юмуш бўлса, адо этгум,
буюргил, эй Кабир.

***

Улуғлар қабрида
муштоқ эрурсан,
Улуғлар ишларин қил —
тоғ эрурсан.

«Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...»

ЮРТИМ ДЕБ ЁНСА ЮРАК...

Бугун юртимиз бўйлаб сафар қилсангиз, шаҳару қишлоқларимиз чиройига-чирой қўшиб турган бир-биридан фусункор маданият ва истироҳат боғларига кўзингиз тушади. Салқин шабада уфуриб турган фавворалар, гуркираб ўсиб ётган майсазорлар, дарахтзорлар ва мусаффо ҳаводан енгил нафас оласиз. Баҳорий нафосатга бурканган бу гулу гулзорларда фақат келин-куёвлар эмас, айни чоғда оилавий сайр қилиб юрган ҳамюртларимизни ҳам учратасиз. Серқуёш Ватанимизда шундай жаннатмонанд боғларнинг борлиги фахримиздир.

Дарҳақиқат, Ватанимизда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида маданият ва истироҳат боғларига алоҳида эътибор берилаяпти. Зеро, яхши кайфият бор жойда ишнинг унуми бўлади. Бу сўлим гўшалар одамларга хизмат қилиб, соғломлаштириш ишларида ҳам фойдаси тегаётгани айни ҳақиқат. 2010 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011–2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилингани табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилашга мустаҳкам замин яратди.

Мазкур дастурга 225 та маданият ва истироҳат боғи киритилган бўлиб, уларнинг 77 таси янгидан ташкил этилиши, 105 таси капитал реконструкция қилиниши, 29 таси капитал, 14 таси жорий таъмирланиши назарда тутилганди. Бугунги кунда дастурда белгиланган вазифалар 120 тадан ортиқ маданият ва истироҳат боғларида амалга оширилгани диққатга сазовордир.

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига туҳфа сифатида яна бир неча вилоятларимизда янги маданият ва истироҳат боғлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Фойдаланишга топширилган маданият ва истироҳат боғларига мингдан ортиқ замонавий аттракционлар ўрнатилгани кўнгилларга завқ бағишламоқда. Энг муҳими, ушбу масканлар қанчадан-қанча халқ сайиллари, оммавий-маданий тадбиру анжуманларга замин бўлмоқда.

Айниқса, шавкатли боболаримиз ҳайкаллари қад ростлаган хиёбонларга нафақат юртдошларимиз, балки чет элдан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам яна келишга ўзида иштиёқ сезаётгани бежиз эмас. Бу ерда табиат гўзалликларидан баҳра олиш билан бирга, дийдор кўришиш, мушоҳада юритиш, фикр алмашиш ва янги ғояларни тарғиб этиш мумкин. Қолаверса, юртимиз экотуризм ва сайёҳлик борасида ҳам катта имкониятларга эга. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва водийдаги ноёб тарихий ёдгорликларни шунчаки томоша қилиш камлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда қабул қилинган "2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишларнинг давоми бўлди. Унга 894 та маданият ва дам олиш марказлари киритилган бўлиб, айни пайтда буларнинг кўпчилиги фойдаланишга топширилган. Таққослаш учун: 2013 йилда 37 та маданият ва дам олиш маркази таъмирланган бўлса, 2015 йилда улар сони 85 тага етди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Азалдан халқимиз боғ яратишни яхши кўради. Уй-жойлардан тортиб, боғча, мактаб ҳовлисигача дарахт экади. Бундай урф-одатлар бизга буюк аждодларимиздан мерос қолган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур Самарқанд ва Шаҳрисабз йўли устида Боғи Дилкушо билан боғи Жаҳоннамо оралиғида боғ барпо эттирган. Жанглардан ғалаба қозониб қайтган Соҳибқирон шу боғда тантанали маросим ўтказган. Чет эл элчиларини қабул қилган. Бу ҳақида Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида "Амир Темур 1399 йили Ҳиндистон юришидан қайтаётиб, Боғи Жаҳоннамода ором олганидан кейин 19 шаъбон (22 апрель) якшанба куни Давлатобод боғида бўлиб, 20 шаъбонда Боғи Дилкушога келганини ёзган. Боғда олтита ҳовуз ва ариқлар бўлган. Атрофига қалин девор олинган. Боғдаги ўрдага иккита дарвозадан кирилиб, унинг шимол ва жанубида учта салобатли минора қад кўтариб турган.

Ўрда деворининг атрофига чуқур хандақ қазилиб, устига иккита кўчма кўприк қурилган. Боғда товус, қирғовул каби турли парранда ва ҳайвонлар боқилган. Улуғбек бобомиз даврида бу боғлар янада гўзаллашган. Мирзо Бобур томонидан ҳам Боғи Калон, Боғи Вафо, Зарафшон боғ, Дилором боғ, Ором боғ ва бошқа кўплаб сайргоҳлар бунёд этилган. Бу ерларда ариқлар текис ва тўғри олиниб, дарахтлар тартиб билан ўтқазилган. Гуллар экилиб, атрофига майда рангдор тошлар терилган. Ҳиндистонда бўлмаган ўсимлик ва дарахтлар ўзимиздан олиб борилган. Бу маълумотлар уммондан бир томчи, холос. Ҳозир ҳам оби ҳаётнинг ҳар бир қатраси авайлаб ишлатиладиган вилоятларда қадимий меъморчилигимиз, миллий қадриятларимиз асосида янги боғу хиёбонлар қад ростлаётгани кўнгилларда ажойиб туйғуларни уйғотмоқда. Замонавий чўмилиш ҳавзалари, бир қултум сувни ҳам исроф бўлишига йўл қўймайдиган фавворалари айтмайсизми? Мўъжиза! Ҳар бирининг лойиҳаси мукаммал яратилган.

Қорақалпоғистон Республикасию Бухоро, Жиззах, Навоий ва Намангандаги маданият ва истироҳат боғларигача ўзига хос маданияти, маънавий эҳтиёжлари ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда мутлақ янгича кўринишда бунёд этилмоқда. Масалан, андижонда ҳам 83 та маданият ва дам олиш марказларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ўзимизнинг мажнунтол, терак ва манзарали ўсимликлар барқ уриб, олмахонлар дарахтдан-дарахтга сакраб юргани – қандай яхши! Инсоннинг яшашдан мақсади ҳам қилган меҳнатидан завқланиб, ўғил-қизларининг бахт-иқболини кўриб яшаш эмасми?! Бу боғлар ҳам, Ватан ҳам, келажак ҳам ўзимизники. Ўз мулкимизга эгалик қиладиган вақт келди. Бунга ҳар биримиз масъул бўлсак, Зулфияхоним айтганларидай: «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...».

Адиба УМИРОВА

ЯҚИН ЎТМИШ ҲАНГОМАЛАРИ

Ўткир ҲОШИМОВ

«АНИҚ» ЖАВОБ

Наврўз диний байрам деган фикр авж олган кезлар эди. Самарқандга бордик. Мезбонлар бизни Ургутга — Тўпхона деган жойга олиб боришди. Одамлар ҳашар қилиб тоғ устида Наврўз учун махсус қурган иншоотларини кўрсатишди.

Тушдан кейин Самарқанд давлат дорилфунунида учрашув бўлди. Саид Аҳмад ака негадир менга меҳрибонлик қилиб, «аввал сен гапирасан», деб туриб олди. (Бунақа ғамхўрлик тагида нима маъно ётганини кейин тушундим). Ёзма саволлар орасида «Наврўз нега тақиқланди?» деган сўроқ бир неча марта такрорланган эди. Жавоб бермай қўя қолдим. Гапимни тугатай деб турганимда бир киши ўрнидан туриб сўраб қолди.

— Битта савол жавобсиз қолди. Наврўз байрамининг динга алоқаси йўқ. Нега шундоқ байрам бекор қилинди?

Нима дейман? Чиндан ҳам бу байрамнинг динга алоқаси йўқ, шу иш нотўғри бўлди, десам балога қоламан, бу байрамнинг кераги йўқ, десам, виждонсизлик бўлади. Шумлик қилдим.

— Ўртоқлар, — дедим, — орамизда кўпни кўрган устозимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ака ўтирибдилар. Бу саволга шу киши жавоб бермоқчилар.

Ёнига келиб ўтиришим билан Саид Аҳмад ака шивирлади:

— Ярамас! Шу саволга сени рўпара қилиш учун аввал сен гапиргин, дегандим.

У киши ҳам бошқа саволларга жавоб берди-ю, Наврўзга йўламади. Шунда бояги одам тағин ўрнидан турди.

— Домла, бояги савол жавобсиз қолди-ку?

Саид Аҳмад ака жаҳли чиққан бўлиб жеркиб берди:

— Нима, мен сенларга ҳукуматманми? Анави телемаҳмадана билмаган нарсани мен қаёқдан билай! Жудаям билгинг келса, бугунги кунни дафтарингга ёзиб қўй. Бу саволингга икки йилдан кейин жавоб оласан!

...Икки йил кутишга тўғри келмади. Наврўз тикланди.

Тезроқ! Баландроқ! Кучлироқ!

5 август (Тошкент вақти билан 6 август) куни Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида 31-Ёзги олимпиада ўйинлари старт олади. Қуйида мазкур нуфузли мусобақага оид қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Бу йил Олимпиада ўйинлари расман ўтказила бошлаганига роппа-роса 120 йил тўлди. 1-замонавий олимпия ўйинлари 1896 йилда Афинада (Греция) ўтказилган.

***

"Citius! Altius! Fortius!" — Олимпиаданинг шиори. Бу лотинча жумла бўлиб, «Тезроқ! Баландроқ! Кучлироқ!" деган маънони англатади.

***

Лондон — Олимпия ўйинларига энг кўп мезбонлик қилган шаҳар мақомини эгаллаб турибди. Бу ерда 1908, 1948 ҳамда 2012 йилларда мусобақалар ўтказилган.

***

Мустақил Ўзбекистон спортчилари бу йил еттинчи маротаба Олимпия ўйинларида иштирок этади.

Шу пайтга қадар (1992 — 2012 йиллар мобайнида) спортчиларимиз 6 та олтин, 5 та кумуш ва 10 та бронза медалига сазовор бўлган.

***

Бразилияда спортчиларимиз академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича ғолиблик учун курашади.

Э.МАҲМАРАЙИМОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, уюшма аъзоси, фахрий журналист Собит Тоировга рафиқаси

Раъно ХАЛИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, фахрий журналист Қудрат Эрдоновга волидаи муҳтарамаси

ЎКТАМХОН аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ёлқинланар, товланар атласу адрасимиз

ҲУНАРМАНДЛИК

Болалигимизда тўрт тепкили атласдан тикилган кўйлак бизнинг шоҳона кийимимиз бўлган. Кейинчалик ҳам қизил, қора, сариқ саккиз тепкили, шунингдек, шахмат, товус нусха ёхуд "Хосиятхон", "Баргикарам" каби камалакдек товланадиган рангин атласлардан байрамга кўйлак тиктириб, ўзимизни маликалардек ҳис қилардик. Кўча-кўйда аёлларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшадиган, табиий ипакдан тўқилган адрас, беқасам кийимлари ярашиб турган қизлар, келинчакларни кўрсак, кўзимиз қувнаб, дилимиз яйрайди. Келинларнинг сепини ҳам атлассиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Атлас ва адраснинг ватани саналмиш Марғилонда бу мато анча машаққат билан тайёрланган. Усталар катта йўл бўйларида ўсган дарахтларга танда боғлаб, атласни гуловорлаганлар. Аввал унинг ҳар бир бандини алоҳида боғлаб, "абрбанд" қилиб, турфа рангга бўягач, бандларини ечиб қуритганлар. Ипак матолар орасида энг машҳури ва қимматбаҳоси бўлган абрли атлас ва хонатлас тайёрлангунига қадар ўттиздан ортиқ иш жараёнидан ўтади. Бу матоларнинг ўзига хослиги безак ва гуллар матога эмас, балки ўриш ипининг ўзига чизилганидандир. Уларнинг "Марғилон", "Наврўз", "Расадхона", "Бибихоним", "Ноғора", "Киприк", "Қиролича", "Панжа", "Келинчак" каби ўнлаб турлари бор. Улар тўрт тепкили ва саккиз тепкили дастгоҳда тўқилади. Хусусан, адрас рангларини жуда ёрқин бўлиб, қанча ювилса ҳам, оҳори тўкилмайди.

Истиқлол туфайли миллий қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, миллий ҳунармандчилигимизнинг ноёб соҳалари ҳам давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эътибор ва ғамхўрликдан унумли фойдаланган усталаримиз халқимиз орасида унутилаёзган анъаналарни тиклашга бел боғладилар ва ўз мақсадларига эришмоқдалар.

— Оиламиз атласчилар сулоласининг тўққизинчи авлоди, асосан, мато тўқимачилиги техникасини тиклаш билан шуғулланади, – дейди Марғилон шаҳар ҳунармандлар уюшмаси раҳбари Расулжон Мирзаахмедов. – Отамиз ҳам Марғилонда атлас устаси сифатида танилган. Тарихда бизнинг мато тўқимачилигимизда, асосан, адрас, шойи, беқасам матолари тўқилган. Ўтган асрнинг 30–40-йилларига келиб арқоғига сунъий ип отилган саккиз тепкили атласлар оммалашиб, адрас истеъмолдан чиқиб кетган эди. Бу атласлар, табиийки, танага ҳаво ўтказмас, адраснинг тандаси ипак, арқоғи ип бўлгани боис танага ҳавони яхши ўтказар эди. Отамиз номоддий маданий меросимизни сақлаб қолиш мақсадида эсдан чиқиб кетган ўша адрас, шойи матоларини музейлардаги нусхаларга кўра ва яна китобларни титкилаб қайта тиклашга эришдилар. Изланишлар самараси ўлароқ, мен ҳам фақатгина ипакдан тўқиладиган Бухоро алобахмалини тикладим. Бу матони Бухоро амирлари кийган бўлиб, эндиликда яна урф бўлиб боряпти. Бу хизматим учун 2005 йили ЮНЕСКО соврини билан тақдирланганман. Шунингдек, Бойсунда, Хоразмда олача, тугмабелбоғ каби миллий матоларни ҳам қайта тиклашга эришдик.

Ҳа, мустақиллик шарофати билан жаҳон аҳли қадриятларимиз билан танишди, миллий тўқимачилик анъаналаримиз, матолармиз дунёга чиқди. Хорижий мамлакатларда адрасга қизиқиш ортди. Мана, ўн йилдирки, Р.Мирзаахмедов АҚШ ва Европа мамлакатларида кўргазмалари билан қатнашиб келмоқда. Англиялик дизайнерлар адрас матоси билан ишлашяпти. Миллий матоларимиз ҳақида рисолалар ёзиляпти.

Бир вақтлар атлас тўқиб бозорда сотгани учун қамоқ жазосига тортилган, шогирд тайёрлашдан қўрққан ҳунарманд бугун эмин-эркин ишлаб, оила тебратмоқда, қўшимча даромад топмоқда.

– 1983 йили саккиз тепкили атласни уйда тўқиб бозорда сотгани учун, "сенлар эскилик сарқитини тарғиб қилаяпсанлар" деган айблов билан дадам раҳбарлигидаги салкам эллик нафар тўқувчини жазолашган, — деб эслайди Р.Мирзаахмедов. – Бугунгидай имкониятлар, имтиёзлар қайда эди, дейсиз. Мустақиллигимиздан сўнг миллий ҳунармандчилигимиз ривожи йўлида қанча ишлар қилинмади, дейсиз. Энг муҳими, бизга эркинлик берилди. Бунинг учун ҳар қанча шукур қилсак, миннатдор бўлсак кам.

Ойдин ТЕМИРОВА

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2850 Буюртма — S-6633 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Самарқанд: (0-366) 233-62-12
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 20⁰⁰

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Шолазиз Шохидоев томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Элмурод НИШОНОВ
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**